



маганининг белгисидир бу кунлар. Шодликни айнан бу икки байрамда изҳор қилиш эса динимиз шиори. Шунинг учун ҳам ҳайит кунлари таъзияхонлик қилиш, мотамсаролик мумкин эмас.

Фитр ва қурбонлик байрамлари Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига зиёфат кунидир. Шунинг учун бу кунлар энг яхши кунлар ҳисобланади. Бу кунлардан мақ-

ҳиссалом) суннат қилганлар. Шунинг учун фақирларга фитр садақасини ёки қурбонлик гўштидан бермоқчи бўлганлар тезроқ беришлари мақсадга мувофиқдир.

Одатда байрамларда жамият ахлоқи, истак ва майллари, одатлари қалқиб кўринади. Байрамларда ахлоқи комил, бир-бирига меҳрибон ва мадаккор жамият бахтли ва фаровон жамиятдир.

## ЭНГ ЯХШИ КУНЛАР

Байрами бўлмаган бирор халқ ер юзида топилмайди. Кишилик жамияти шаклланигандан буён бирор-бир муҳим ҳодиса ё эришилган катта ютуқ муносабати билан байрам кунлари белгиланиб нишонланади.

Анас ибн Молик (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилдилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келганларида мадиналикларнинг кўнгилочар икки куни бор эди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу қандай кунлар?” деб сўрадилар. Улар: “Жоҳилиятда бу кунлари кўнгилларимизни хушлардик”, дейишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло сизларга у икки кунни улардан яхши қурбонлик ва фитр кунларига алмаштирди”, дедилар» (Абу Довуд, Аҳмад, Насаий).

Қурбонлик ва фитр кунлари байрамдир, хурсандлик ва шодлик кунларидир. Хурсандлик, ҳаёт билан завқланиш, ҳалол зийнат ва гўзалликлардан ҳузурланиш каби ишлар динимизда қайтарил-

сад кўнгилларга дилкашлик, нафсларга севинч, жисмга роҳат бағишлаш, дўстлар ўртасида муҳаббат, яқинлар орасида меҳр ришталарини янгилаш, кишиларни бир-бирларига ёрдам кўрсатишга чорлашдир.

Фитр ва қурбонлик байрамларидан мақсад ночор ва заифларнинг жамият зиммасидаги ҳақларини ёдга туширишдир.

Ҳайит қувончлари барча хонадонга ва оилага кириб бориши учун айнан шу кунлари фитр садақасини бериш ва қурбонлик қилиш давлатмандларга вожиб бўлади. Фақирлар озорланмаслиги учун давлатмандлар ҳам Қурбон ҳайити намози ўқилгунига қадар бирон нарса тановул қилмасин, қурбонлик сўйилгач барча бирдай тўқ ва шод бўлсин, деб Пайғамбаримиз (алай-

Меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам, саховат, ҳаё, етим ва фақирлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни қадрлаш, ота-онани ҳурматлаш мусулмонларнинг ажралмас хулқидир. Зеро, Исломи динимиз хусни хулқидир. Бу хулқларимизни ҳайит кунлари тўла намоеън қилайлик.

Аллоҳ субҳаноҳу ва таоло барчаларимизни қайта-қайта ҳайит қувончларига етказсин. Омин.



# ВАЪДАГА ВАФО

Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни қадрли, эъзозли қилиб яратган. У ато этган қадр, эъзозни асрашни эса инсоннинг ўзига ҳавола қилган ва камоли меҳрибонлигидан уларни қандай асраш омилларини ҳам баён этган. У омилларни билиб, уларга амал қилган инсонларнинг қадрини оширишни ваъда қилган.

Инсон қадри, эъзозини асровчи омиллардан бири ваъдага вафо қилишдир. Ҳукмлари инсон қадрини асрашга қаратилган динимизда ваъдага вафо вожиб ҳисобланади.

Қуръони каримнинг бир неча оятида ваъдага вафо қилишнинг самараси ва ваъдага вафосизлик оқибатлари баён этилган:

**Ваъдага вафо қилиш Аллоҳ таолонинг муҳаббатига ноил бўлиш боисидир** (*Оли Имрон, 76*);

**Ваъдага вафо қилиш яхшилик асосларидан биридир** (*Бақара, 177*);

**Ваъдасини бузувчилар, қариндошчиликни унутганлар ер юзида бузгунчилик қилувчилар қаторидадир** (*Бақара, 27*).

Ваъдага вафо қилиш лозимлиги ҳадиси шарифларда ҳам таъкидланган:

“Ваъда қарзидир” (*Табароний*);

“Ваъдага вафосизлик мунофиқлик аломатидан биридир” (*Бухорий*).

Шунинг учун Ҳазрати Али (каррамаллоҳу ваҷҳаху) Аштар Наҳайй Молик ибн Ҳорисга ёзган мактубларида жумладан бундай насихат қилганлар: “Агар душманингиз билан ҳам битим тузган ё унга ваъда берган бўлсангиз вафо қилинг, сўзингиз устидан чиқинг, ваъдангиз учун жонингизни фидо қилинг. Зеро, инсонлар ақидада бир-бирларидан фарқ қилсалар-да, Аллоҳ таоло фарзларидан сўнг ваъдага вафо қилишнинг буюклиги хусусида яқдиллар. Тузган битим ва берган ваъдангизга асло хиёнат қилманг!” Ҳазрати Алининг бу насихатлари барчамиз учун дастур бўлса, қадримиз асло йўқолмайди.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

### Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Абдул Жалил ХУҶАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи  
терди

### Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04  
Раҳбари Ўқтам ҳожи Умрзоқ  
Фарғона вилояти — 8.373. 222-12-38  
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин  
Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08  
Раҳбари Низомиддин Чори

### Манзилимиз:

700021 Тошкент шаҳри  
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;  
Тел: 149-18-26, тел.факс: 144-36-53.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почта: [admin@hidoyat.uz](mailto:admin@hidoyat.uz)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2006 йил 24 октябрда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2006 йил 26 октябрда топширилди.  
Қоғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 16000 нусха. 26-сон буюртма. Тошкент Ислам университети нашриёт-матбаа бирлашмаси босмаҳонасида босилди.

Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Рамазон ҳайити муборак!</b>	
Энг яхши кунлар .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Ваъдага вафо .....	2
<b>Бир оят тафсири</b>	
Аллоҳ гурурланувчиларни суймас .....	4
<b>Илм масканларида</b>	
Даврон АБДУҚОДИР	
Илмда камолот сари .....	5
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Жалолиддин НУРИДДИНОВ	
Рағбат масъулият юклайди .....	11
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Муҳаммад Назар ҚАЙЙУМОВ	
Тунлар ёруғ бўлди .....	12
Саидбахром ФУЛОМОВ	
Умрачилар кўпайди .....	12
<b>Мужда</b>	
Янгиқишлоққа булоқ суви келди .....	12
Бухоронинг бир темирчиси .....	12
<b>Амри маъруф</b>	
Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ	
Қалб хасталиги белгилари, муолажаси ..	14
<b>Қарши шахрининг 2700 йиллиги</b>	
Асрор ҚИЛИЧЕВ	
Қашқадарё кўприги .....	19
<b>Хотира</b>	
Бир умр Куръонни кўтариб ўтган зот ..	20
<b>Ибрат</b>	
Муҳаммадҷон РАҲМАТ	
Санам холанинг рўзаси бузилмади .....	23
<b>Истиқлолнинг 15 йиллиги</b>	
“Бешкўрғон” жомеъ масжиди .....	24
<b>Шеърят</b>	
Шукур ҚУРБОН	
Мени соғинибсиз, излабсиз .....	26
Абдумалик КАМОЛ	
Фунчаларнинг сирин билсам .....	27
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Муроджон ИСМОИЛОВ,	
Темурали ИКРОМОВ	
Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий .....	28
<b>Тиббиёт бурчаги</b>	
Сафар МУҲАММАД	
Беҳи хосиятлари .....	29
<b>Болалар саҳифаси</b>	
Кичкина Умарнинг ҳикоялари .....	30
<b>Юрган дарё</b>	
Малайзияни кўрмабсиз .....	32

## Ҳадис шарҳи

Муҳиддин Закариё ибн ШАРАФ НАВАВИЙ

ХАЙРЛИ ИШЛАРГА  
ШОШИЛГАН ЯХШИ

6

Шаҳодат калимасини айтган киши имоннинг ярмини қўлга киритади. Ким қалбини хасталиклардан тозаласа, имони комил бўлади, акс ҳолда унинг имони нуқсонлидир.

## Эҳтиром

Софияхон Эшон БОБОХОН қизи

БИР ЯРИМ АСР  
ДИН ХИЗМАТИДА

8

1937 йил 14 август кечаси соат учларда отам Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ва акам Зайнуддинхон қамоққа олинди. Терговчи, полковник Мусин буйруғи билан уйимиздан иккита юк машинасида нодир қўлёзма китоблар олиб кетилди.



## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Исломиё тафаккурға қизиқиш

Ғарбдаги ҳукуматга мойил ва нодавлат ташкилотлар Жанубий-шарқий Осиёдаги, энг аввало, Малайзиядаги мусулмон муаллифларнинг асарлари таржима қилинишини ҳартомонлама рағбатлантиришяпти.

16

## Мовароуннаҳр уламолари

МАВЛОНО  
ЛУТФУЛЛОҲ ЧУСТИЙ

28

Динимиз тарихида ўчмас из қолдирган Мавлоно Лутфуллоҳнинг Фарғона водийи суғориш тармоқлари тараққиётида ҳам алоҳида хизматлари бор.



# АЛЛОҲ ТАОЛО ҒУРУРЛАНУВЧИЛАРНИ СУЙМАС

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

إِنَّ قُرُونَ كَانَتْ مِنْ قَوْمِ مُوسَى فَبَغَى عَلَيْهِمْ وَآتَيْنَهُ مِنَ الْكُفْرِ مَا إِن مَفَاحَهُ لَتَنُوءُ بِالْعُصْبَةِ أُولَى الْقُوَّةِ إِذْ قَالَ لَهُ قَوْمُهُ لَا تَفْرَحْ

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفَرِحِينَ ﴿٧٨﴾

Албатта, Қорун Мусо қавмидан эди.

Бас, у (қавм)ларга кибр қилди. Биз хазиналардан унга калитлари бақувват жамоатга ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ҳанда қавми унга: “Мағрурланмагин! Чунки Аллоҳ гурурланувчиларни суймас. Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама! Чунки, Аллоҳ бузғунчиларни суймас”, дедилар (Қасас, 76-77).

Изоҳ:

Қорун Мусога (алайҳиссалом) амакивачча эди. Тавротни яхши ўқиб, ўрганган бўлсада, Сомирийга ўхшаб мунофиқ, ҳасадгўй ва мутақаббир эди. Бойлиги шу қадар беҳисоб эдики, хазиналарининг калитлари олтмишта хачирга юк бўлар эди. Кейинги оятларда унинг тақдири нима билан якун топгани ҳақида ибратли маълумотларни ўқиймиз.

Қорун кимё илмини ҳаммадан яхши билган. Айтишларича, мисдан тилла, қўрғошиндан кумуш ясаш сирларини билгани учун хазиналари кўпайиб кетган.

قَالَ إِنَّمَا أُوتِيتُهُ عَلَىٰ عِلْمٍ عِنْدِي ۗ أَوَلَمْ يَعْلَم أَنَّ اللَّهَ قَدْ أَهْلَكَ مِنْ قَبْلِهِ مِنَ الْقُرُونِ مَنْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُ قُوَّةً وَأَكْثَرُ جَمْعًا وَلَا يُسْئَلُ عَنْ ذُنُوبِهِمُ الْمُجْرِمُونَ ﴿٧٩﴾

(У) “Мен унга фақат ўзимдаги билим сабаблигина эришдим”, деди. Ахир, у ўздан аввал Аллоҳ ундан кўра қувватлироқ ва заҳираси ҳам кўпроқ (қанчадан-қанча) авлодларни ҳалок

қилганини билмаганми?! Жиноятчилардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас! (Қасас, 78).

Изоҳ:

Қоруннинг бадавлат бўлишига Аллоҳ сабаб қилган илм қайси экани хусусида баъзи тафсирида “Тавротни яхши билиши” дейилса, бошқасида “у пухта билган кимё илми” деб ёзилган. Иккинчи тафсир ҳақиқатга яқинроқдир.



فَحَسَفْنَا بِهِ وَبِدَارِهِ الْأَرْضَ فَمَا كَانَ لَهُ مِنْ فِئَةٍ يَنْصُرُونَهُ

مِنْ دُونِ اللَّهِ وَمَا كَانَتْ مِنَ الْمُنتَصِرِينَ ﴿٨٠﴾

Бас, Биз уни ҳам, (бойлик тўла) масканини ҳам ерга юттирдик. Сўнгра унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирор жамоа бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади (Қасас, 81).

Изоҳ:

Ёзилишича, Мусо (алайҳиссалом) Қорунга бойлигидан закот беришни таклиф этади. Ҳар минг динордан бир динор, минг дирҳамдан бир дирҳам бериш кераклигини эшитиб, Қорун бахиллик қилади ва закотни беришдан бош тортибгина қолмай, бошқа бойларни ҳам Мусога (алайҳиссалом) қарши қайраб, тухмат уюштиради. Бир фоҳиша аёлни ёллаб, Мусони (алайҳиссалом) шарманда қилмоқчи бўлишди. Лекин аёл пайғамбар ҳузурда тўғриси гапириб бергач, Мусо (алайҳиссалом) дарғазаб бўлиб, Аллоҳдан Қорунга жазо сўрайди. Аллоҳ қандай жазо беришни Мусо (алайҳиссалом) ихтиёрига ҳавола қилади. У ерга уни ютишни буюради. Тиззасигача ютганида Қорун Мусога (алайҳиссалом) ёлборишни бошлайди. Сўнгра елкасигача, охири бутунлай ерга ботиб кетади. Шунда Аллоҳ Мусога (алайҳиссалом): “Қорун сенга уч бор ялинди, кечирмадинг. Мен бир марта ялинганни кечираман”, деди. Одамлар, Мусо (алайҳиссалом) Қоруннинг бойлигини олиш учун ўлдирди, дейишгач, хазиналарини ҳам ер ютишини сўрайди.

«Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» (Шайх Абдулазиз Мансур, ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004, Қасас сураси 394 — 395 бетлар).

# ИЛМДА КАМОЛОТ САРИ

Имом Фахриддин Розий номидаги Ислому ўрта-махсус билим юртида ёшларга ўқув шароити ва илм бериш савияси йилдан-йилга яхшиланаяпти. Ўтган ўн тўрт йил давомида бўлган ижобий ўзгаришларда ҳам бу билинади. Мадраса 1992 йили Хонқа туманидаги “Халифаи Худойкули Эшон бобо” жомеъ масжиди биносиди очирилиб, дастлаб 35 нафар талаба қабул қилинган эди. Икки йил ўтиб мадраса шароитини бир оз яхшилаш мақсадида Урганч шаҳар марказида жойлашган, XIX асрнинг биринчи ярмида қурилган Дашкинжон бобо тарихий ёдгорлик биносига кўчиб ўтилди. Бу ерда ўқув хоналари, мударрислар дам олиш хонаси, кутубхона, намозхона ва ётоқхоналар жиҳозланди.

1994 йили Урганч шаҳар ҳокими қарори билан бу бино ёнида мадраса қуриш учун ер ажратилди. Ўша йилиёқ қурилиш бошланди. 1996 йили етарли шароитларга эга бўлган икки қаватли янги бино фойдаланишга топширилди.

2005 йили Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан Урганч шаҳрида катта ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари бўлди. Хо-

разм вилояти ҳокимининг қарорига биноан шаҳарнинг Искандар Дўстов кўчасида жойлашган иккита бино билим юрти ихтиёрига берилди. Икки-уч ойда бинолардан бири таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилинди. Иккинчи бинони таъмирлаш ишлари бугун ҳам давом этапти. Талабалар учун ётоқхона, таҳоратхона, ҳаммом ишга туширилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси махсус жамғармаси Хоразм вилоят бўлими маблағи ҳисобидан билим юрти ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Ўқув даргоҳида таълим жараёнини тобора самарали қилишга интиляпмиз. 2006 йил июлида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган диний таълим дастури ўқув режамизнинг асосини ташкил этади. Қуръони карим, ақоид, ҳадис, фикҳ, наҳв, сарф каби диний фанлар билан дунёвий фанларни ҳам талабаларимиз кунт билан ўрганишмоқда.

Иқтидорли талабаларимизга рағбатлантирувчи стипендия турлари мавжуд. Тала-

баларимизга чуқур билимга эга ва тажрибали устозлар дарс беришади. Бу борада Султонбой Ниёзов, Ҳикматилла Юсупов, Кўзибой Машарипов, Мирзажон Бекметовлар ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.



Имом Фахриддин Розий номида Ислому билим юртини бугунгача жами 149 нафар ёш битириб чиқди. Шулардан 22 нафари Қорақалпоғистон Республикаси қозоғига қарашли, 127 нафари воҳамиз ҳудудидаги жомеъ масжидларда имом-хатиб ва имом ноиби вазифаларида халқимизга динимиз гоёларини етказиш билан машғул. Собиқ талабаларимиздан бир нафари Тошкент ҳуқуқшунослик институтини, бир нафари Тошкент Ислому институтини, икки нафари Урганч Давлат университетини тамомлади. Беш нафари эса Урганч давлат университетида таҳсил олмоқда.

Ҳозир билим юртида 60 нафар талаба ўқийди. Мударрислар жамоаси ўз олдига ёшларни маънан баркамол қилиб тарбиялаш, динимизга ёт экстремистик оқимлар таъсиридан ёшларни асраш, ҳанафийлик мазҳаби асосида таълим-тарбия бериш, аждодларимиз бой меросини ўрганиш ва халқимизга етказишни ўз олдиларига мақсад қилиб олишган.

**Даврон АБДУҚОДИРОВ,**  
Имом Фахриддин Розий номидаги Ислому ўрта-махсус билим юрти мудири



Муҳиддин Закариё ибн ШАРАФ НАВАВИЙ

# ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ШОШИЛГАН ЯХШИ

Ҳорис ибн Осим Ашъарий ривоят қилади: «*Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилдилар: “Поклик имоннинг ярмидир. “Алҳамду-лиллаҳ” тарозини тўлдиради. “Субҳонalloҳи валҳамдулиллаҳ” ер билан осмон орасини тўлдиради. Намоз нурдир. Садақа хужжатдир. Сабр ёруғликдир. Куръон инсоннинг фойдасига ёки зарарига хужжат бўлади. Ҳар ким ўзини сотиш мақсадида чиқади. Ё уни (азобдан сақлаш учун) азоблайди ёки ҳалок этади”*» (Имом Муслим ривояти).\*

**Шарҳи:**

“Поклик имоннинг ярмидир”. Имом Фаззолий бундай изоҳлаган: “Бу ердаги айтилган поклик қалбнинг адоват, ҳасад, нафрат ва шунга ўхшаш хасталиклардан тозаланишидир. Имон шу тариқа комил бўлади. Шаҳодат калимасини айтган киши имоннинг ярмини қўлга киритган бўлади. Ким қалбини ана шу хасталиклардан тозаласа, имони комил бўлади, акс ҳолда, имони нуқсонли бўлади”.



Баъзилар бундан қўйидагича изоҳлашади: “Ким қалбини покласа, таҳорат олса, гусл қилса ва намоз ўқиса, намозни икки таҳорат (таҳорат — гусл) билан ўқиган бўлади. Ким намозни фақат таҳорат аъзоларини ювган ҳолда ўқиса, икки таҳоратдан биттаси билан намоз ўқиган бўлади. Бундан ташқари, Аллоҳ таоло фақатгина қалб поклигига қарайди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “Аллоҳ таоло сизнинг ташқи кўри-нишларингиз ёки молларингизга қарамайди, балки қалбларингизга қарайди” (Муслим, Ибн Можса ва Имом Аҳмад ривояти).

Бу ҳадис Мусонинг (алайҳиссалом) дуо-си ҳақидаги қўйидаги ҳадисга зидга ўхшаб кўринади. Мусо (алайҳиссалом) бундай деди: “Эй Раббим, менга жаннатга киритадиган бир амални кўрсат”. Аллоҳ таоло: “Ла илаҳа иллalloҳ”, деб айт, чунки етти қават ер ва осмон тарозининг бир палласига, “Ла илаҳа иллalloҳ” калимаси иккинчи палласига қўйилса, калима оғир келади”, деди. Шу нарса маълумки, ерлар ва осмонлар ер билан осмон орасидаги масофадан ҳам кенгдир. “Алҳамдулиллаҳ” тарози палласининг кўпроғини эгаллаши туфайли осмон билан ер орасини тўлдириши лозим бўлади. Тарози эса ер билан осмон орасидан ҳам кенг-

\*“Қирқ ҳадис”, 69-бет, Тошкент ш., «Мовароуннаҳр».



дир. Бундан мурод, “Алҳамдулиллаҳ” агар жисм бўлсайди, тарозини тўлдирарди” ёки “Алҳамдулиллаҳ”нинг савоби тарозини тўлдирарди”, демакдир.

**“Намоз нурдир”.** Яъни, савоби нурдир. Ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади: “Қоронғуликда масжидга борганларни қиёмат кунида ёруғ нур билан севинтир” (*Термизий, Абу Довуд, Ибн Можса ривояти*).

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом): “Садақа ҳужжатдир”, деган сўзлари садақа берган кишининг имони саломат эканига ҳужжат бўлишини назарда тутарди.

**“Сабр ёруғликдир”.** Бу ерда мақсад қилинган сабр Исломга мувофиқ сабрдир. Аллоҳга итоат қилишда дунё тузоқларига ва балоларига сабр қилиш. Яъни, сабрли одамнинг савоб умидида қилган сабридир.

**“Ҳар ким ўзини сотиш мақсадида чиқади”.** Яъни, ҳар ким ўзи учун ҳаракат қилади. Кимдир нафсини Аллоҳга ибодат қилиш билан сотади ва уни жаҳаннамдан сақлайди. Кимдир эса нафсини шайтонга ва ўз орзуларига бериб қўяди ва уни ҳалок қилади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Ким эрталаб ёки кечқурун: “Аллоҳим, мен Сенга ва аршингни кўтариб тургувчиларга, фаришталарингга, пайғамбарларингга ва барча яратган махлуқларингга гувоҳлик бераман. Ўзингдан бошқа илоҳ бўлмаган ягона Аллоҳсан. Сенинг шеринг йўқ. Муҳаммад сенинг банданг ва пайғамбарингдир”, деб айтса, жасадининг тўртдан бири жаҳаннамдан қутулади. Икки марта айтган кишининг ярмини, уч марта айтганнинг тўртдан учини, тўрт марта айт-

ган кишининг бутун вужудини Аллоҳ таоло дўзах азобидан қутқаради”.

Мол эгаси қулининг бир қисмини озод қилса, бу ҳукм бошқа қисмларига ҳам тегишлидир. Аллоҳ таоло бандасининг дастлаб тўртдан бирини озод қилса, нега бу ҳукм бошқа қисмларга ўтмайди. Бунга шундай жавоб берилган. Бу ердаги ўтиш қаҳриятдир (яъни, мол эгасини бошқа қисмларни ҳам озод қилишга мажбурлашдир. Аллоҳ таолони бошқаларни зўрлагандек зўрлаб бўлмайди. У истамаган хусусда ҳукм ҳам ўтмайди. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Аллоҳ мўминлардан жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди”** (*Таъба, 111*).

Баъзи олимлар: “Бундан шарафлироқ олди-сотди йўқ. Чунки бу ерда сотиб олган Зот — Аллоҳ таоло, сотган — мўмин, сотилган — нафс, тўланадиган ҳақ — жаннат. Бу оятда сотувчи ҳақни олмасдан туриб молни топширишга мажбур қилинишига, харидор эса олдиндан ҳақни тўлашга мажбур қилинмаслигига далил бор. Аллоҳ таоло сотилган нафсларини топшириб, ундан кейин жаннатни олишларини фарз қилган, дейишарди. Чунки Аллоҳ таоло мўминларга беш вақт намозни, рўзани ва бошқа ибодатларни фарз қилган.



# БИР ЯРИМ АСР ДИН ХИЗМАТИДА

Саксон олти ёшдаман. Юртимизда дин равнақи йўлида кўп хизмат қилган табар-рук сулоланинг бир аъзоси сифатида падари бузрукворим Эшон Бобохон ҳазратлари ва у зотнинг зурриётлари ҳақидаги хотиралар қўлимга қалам тутқазди.

1928 йили отам Эшон Бобохоннинг ерсув, мол-мулклари, шаҳар ҳовлилари мусодара қилинди. Отам билан бирга Зайнуддинхон акам ҳам кўп вақт яшириниб



юришга мажбур бўлди. 1929-1930 йиллари орган ходимлари уларни олиб кетиб кечгача сўроққа тутар, ярим тунда қўйиб юборар эди. У кишига “Диний уламолар раҳбари” деган айб қўймоқчи бўлишди. Диндорларга ҳужум бошланган кезларда 1937 йил 14 август кечаси соат учларда отам Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ва акам Зайнуддинхон қамоққа олинишди. Терговчи полковник Мусин буйруғи билан уйимиздан иккита юк машинасида нодир қўлёзма китоблар олиб кетилди. Отам ва акамни дастлаб НКВД ертўласида, кейинчалик эса Олой бозорига яқин жойдаги қамоқхонада сақлашди. Отам терговчи Мусиндан “Далоили хойрот” де-

ган китобларининг келтирилишига рухсат сўраганларида, у бир оз ўйланиб, “қамоқдан қутилиб чиқмоқчимисиз, бобо” деган экан. Аслида Мусин уфалик домланинг ўғли бўлиб, Ислом тўғрисида тушунчаси бор экан. Чамамда, олти ойлардан кейин отам қамоқдан озод этилди. Зайнуддинхон акам эса бир гуруҳ диндорлар қатори олис Сибирга бадарға қилинди. 1938 йил ноябр ойида акамнинг вафоти тўғрисида хабар етиб келди.

“Диндорнинг фарзандлари” деб Бадриддинхон акамни, мени, Насриддинхон укамни ва синглим Саидахонни мактабдан ҳайдашди, ўқишни давом эттиришга йўл қўйишмади. Қийинчилик даври, оилани боқиш учун ишга кириш керак, аммо диндорнинг фарзандларини ишга қабул қилиш ҳам муаммо бўлиб қолган эди. Акам ва укам Бобохонов ўрнига Бобоев деган исм-шарифни қабул қилишди. Сўнгра Бадруддинхон акам “Ташселмаш” заводига ишга кирди.

1941 йил кузида отам яна бир бор қамоққа олиндилар ва НКВД ертўласида ўтирдилар. Орадан бир ой ўтганидан кейин акам Зиёвуддинхон ҳам қамоқда эканини турма қоровули махфий равишда отамга етказган: “Бобо, дуо қилиб ўтиринг, ўғлингизни ҳам олиб келишди”. Ота ва ўғил турма азобини кўп тортишди. Тақвоси кучли, имони мустаҳкам, эътиқодига содиқ Эшон Бобохон ҳазратлари бу гал ҳам ўғиллари Зиёвуддинхон билан қамоқдан омон чиқдилар.

Иккинчи жаҳон уруши авжга чиққан 1943 йили СССРнинг урушдаги иттифоқчилари АҚШ билан Англия иккинчи фронт очиш масаласи кўрилганида Совет Иттифоқи раҳбарияти олдида қўйган талаб ва шартларидан бири диндорларга диний расм-русмларни ўтказишларга рухсат бериш эди.



1943 йилнинг куз ойларида Ўзбекистон ҳукумати раҳбари Абдужаббор Абдурахмонов Эшон Бобохон ҳазратлари билан суҳбатда бундай дейди: “Эшон ота, Тошкентда диний ташкилот ва масжид очишга Москвадан рухсат бўлди. Масжидларни очиб, Гитлернинг тезроқ енгилишини Аллоҳдан сўранглар. Лекин диний идора учун бино ажрата олмаймиз. Уни қаерда очиш ўзингизга ҳавола”. “Диний идора эски шаҳардаги Ҳазрати Имом даҳасида бўлиши керак, шунинг учун 1928 йилда мусодара қилинган уйимни қайтариб берсанглар бас”, дебдилар отам. Уч кун ичида уйимиз қайтариб берилди. Шу йили уни таъмирлашди ва ўн икки йил давомида Диний назорат идораси ва кутубхонаси бўлиб хизмат қилди. Кейин бу ҳовли Диний назоратнинг меҳмонхонасига айлантирилди. Илм толиблари ва олисдан келган мусофирлар шу ерда истиқомат қилишарди. (1996 йилда Қорасарой кўчаси таъмирланганида у бузилиб кетди.)

Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратини очишга қарор қилинган эди. Бунга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Отам раисликларида ташкилий қўмита тузилган, Зиёвуддинхон акам масъул котиб вазифасини бажарганлар.

Ташкилий қўмита бир неча мажлислари ўтказилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига вакиллар юборилди. Улар орқали Тошкентда очилган Диний идоранинг фаолияти ҳақида хабар берилди. Кўзга кўринган уламолар ва диндорларни топишга ҳаракат қилинди. Шўро даврида руҳонийларга ўтказилган тазйиқ ва адолатсизликларни кўравериб юрак олдириб қўйган уламоларни йиғиш осон кечмади.

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) даҳасидаги Бароқхон мадрасасида ўша пайтда йигирмадан ортиқ кўзи ожизлар оиласи яшарди. Булар мадрасада яшаб, Тилла шайх масжиди биносида арқон тўқиш билан машғул бўлишган. Советлар даврида Тилла шайх масжиди ҳам жуда хароб аҳволга келган.

1954 йили муфтий Эшон Бобохон ҳазратлари Бароқхон мадрасасини ва Тилла шайх масжидини идора ихтиёрига бериш

масаласини Ўзбекистон ҳукумати олдига қўйиш билан бирга, кўзи ожизлар оилаларига уй қуриб беришни зиммаларига олдилар. Қорасаройдаги дала ҳовлимизда менга аталган ва ажратилган ерда отам ўз ҳисобларидан йигирмата оилга уй қуриб бердилар. Уларга Бароқхон мадрасасидан кўчишида кўмаклашдилар. Ҳукумат қарори билан Бароқхон мадрасаси ва Тилла шайх масжиди диний назорат ихтиёрига берилди.

Отам ва Зиёвуддинхон акам раҳбарликларида мадраса ва масжид ҳашар йўли билан тўрт-беш ой ичида таъмирланди. Ҳашарда отам саксон икки ёшда эканларига қарамасдан намуна кўрсатганлар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний идораси мадраса биносига кўчиб ўтди. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон мусулмонлари идораси шу ерда фаолият кўрсатиб келмоқда. Масжид ҳам бугунгача мусулмонлар хизматида.

Отам Эшон Бобохон ҳазратлари собиқ СССР мусулмонлари гуруҳига раҳбар сифатида 1945 йили ҳаж сафарига борганлар ва Маккада Саудия Арабистони подшоси Абдулазиз ибн Сауд қабулида бўлганлар. Ўша йили Ислом давлатлари билан ташқи алоқалар ўрнатилишига ва собиқ СССР мусулмонларининг ҳар йили ҳаж сафарига боришига асос солинди. (Мустақиллигимиз шарофати билан минглаб ватандошларимиз қатори мен ҳам икки марта ҳаж амалини адо этиб қайтдим.)

1943 йилдан то 1989 йилгача салкам ярим аср давомида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратининг раҳбарлари сифатида ота-ўғил-набира Бо-



бохоновлар Ислом ва мусулмонлар манфаати йўлида хизмат қилиб келишди. Улар раҳбарлигида Диний бошқарма ташқи Ислом олами билан алоқа қилиш, ҳаж сафарини жорий этиш, мадраса ва масжидлар очиш, Қуръон ва ҳадис таълимотлари асосида масжидларда ваъзу иршод ишларини тартибга солиш каби қатор-қатор хайрли ишларни амалга ошириб келди.

Отам ҳам, акам ҳам сахий ва ҳимматли киши эдилар. Диний назорат тузилган дастлабки пайтданок бу дин марказини жиҳозлаш мақсадида асрлар мобайнида ота-боболари томонидан ва ўзлари тўплаган нодир китобларни тортиқ этиб, кутубхона очишган. Зиёвуддинхон акам муфтийлик маошининг тенг ярмини муттасил равишда шу кутубхонага китоб олиш учун ўтказишга қарор қилганини биламан. Бу иш йигирма беш йилдан ортиқ давр мобайнида — Зиёвуддинхон акамнинг вафотигача узлуксиз давом этди. Шамсуддинхон жиянимнинг



айтишича, йигирма минг китоб сақланаётган кутубхона Тошкентдаги бой илм хазиналаридан бирига айланган экан. Унда Қуръони каримнинг ҳар хил ҳажмдаги қўлёзма ва босма нусхалари, тафсирга оид китоблар, ҳадис, фикҳ, араб сарф-наҳви, мантиқ, тарих, тиб, шеърий тўпламлар, жуғрофия, фалсафа, илоҳиёт, риёзиёт, фалакиёт ва бошқа фанлар бўйича ёзилган асарларнинг шарҳлари билан таънишиш мумкин.

Ўн тўрт аср илгари халифа Ҳазрати Усмон ибн Аффон бошчиликларида жамланиб, илк бор китоб шаклига келтирилган мусхафлардан бири кутубхонада энг нодир ёдгорлик сифатида сақланмоқда.

Отам муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон саксон йилдан ортиқ, ўғиллари ва набиралари жами етмиш йилдан ортиқ Ислом дини йўлида фаолият кўрсатишди. Ўтган давр ичида муфтий Бобохонлар масжидлар бўйича Жаҳон Олий кенгаши, Жаҳон Олий Ислом кенгаши, Ис-



лом Олами конгресси, Иордания қироллик академияси, Жаҳон тинчлик кенгаши ҳамда Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон миқёсидаги ўндан зиёд халқаро жамоат ташкилотлари ишида самарали фаолият кўрсатиб келишди. Ислом дини тарғиботи ва халқлар дўстлиги йўлидаги улкан хизматлари учун ота-ўғил-набира Бобохоновлар Иордания, Ливан, Марокаш ва собиқ СССР-нинг давлат мукофотлари билан тақдирланишган.

Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ва волидам Саломатхоннинг тўққиз фарзандларидан 29 невара, 90 эвара ва кўплаб чевара дунёга келган. Сақланиб қолган шажарадан маълумки, отамнинг аждодлари ўн бир аср олдин Шомдан (ҳозирги Сурия) Туркистоннинг Исфижоб (Сайрам) қишлоғига кўчиб келишган экан.

Дин йўлида юз эллик йил ибратли хизмат қилган бу зотларнинг ишларини бугун яна бир бор эслар эканмиз, Аллоҳ таолодан уларни раҳмат қилишини, барча яхши ишлари, солиҳ амалларининг мукофотини охиратда мўл-кўл қилиб беришини сўраб, дуода бўламиз.

**Софияхон Эшон  
БОБОХОН қизи**

## РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Илм олиш осон иш эмас. Талаба қанчалик зеҳнли ва иқтидорли бўлмасин, у доимо ёрдамга, эътибор ва рағбатга муҳтожлик сезади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги ўқув юртларида ҳам талабалар шароитини яхшилашга, иқтидорлиларни рағбатлантиришга эътибор бериб келинади. Янги ўқув йили бошида Тошкент Ислом институти ва Ислом ўрта-махсус билим юртларида талабаларнинг илмга ихлосларини кучайтириш, одоб ва ахлоқда, жамоат ишларида янада жонлантириш мақсадида ўтган ўқув йилларида эришган муваффақиятлари яна бир бор назардан ўтказилди.

Бир гуруҳ талабалар алоҳида номдаги имтиёзли стипендияларга тавсия этилди. Жумладан, “Кўкалдош” мадрасаси талабаси Мақсадбек Йўлдошев, Имом Фахриддин Розий номидаги билим юрти талабаси Собит Нурбоев, “Ҳадичаи кубро” аёл-қизлар мадрасаси талабалари Гўзал Аҳмедова, Зебо Муҳаммадхўжаева, Мактуба Абдуллаева “Имом Бухорий стипендия”сига; “Кўкалдош” мадрасаси талабаси Абдулҳафиз Тўланбоев, Имом Фахриддин Розий номидаги Ислом билим юрти талабаси Маҳмуджон Собиров “Имом Термизий



стипендия”сига муносиб кўрилди.

Улуғ олимларимиз номидаги стипендиялар қаторида дин таъқиб остида бўлган совет даврида юртдошларимизга Ислом зиёсини улашиш ишларига умрини бағишлаган устозларимиз номидаги стипендиялар ҳам ташкил этилгани талабаларни фидойилар ҳаётидан ибратланишга, бугунги яхши кунларнинг қадрига етишга ундайди.

Мазкур ўқув йилида Мир Араб мадрасаси талабаси Ёқуб Бухорбоев, Имом ал-Бухорий ҳадис илми маркази талабаси Рустам Яздонқулов ЎМИ асосчиси “Эшон Бобохон”; Мир Араб мадрасаси талабаси Юсуф Сиддиқов ва Имом ал-Бухорий ҳадис илми маркази талабалари Абдусаттор Бекқулов, Хуршид Галаев “Зиёвуддин қори” стипендияси соҳиби бўлишди.

**Жалолиддин  
НУРИДИНОВ,**  
ЎМИ таълим бўлими мудири



тилмасдир. Ал-хамдулиллаҳ, халқимизнинг Қуръони каримга муҳаббати кучли. Йил сайин Аллоҳ китобига сомеъ бўлиб куч олишни, маърифатланишни истаганлар сони ортиб бормоқда.

жомеъ масжидида Қуръони карим хатм қилинди.

Қуръони карим ўқилиб, имонимизни кучайтирган бу нурли, ёруғ тунларни бизу сизга инъом этган Аллоҳ талога ҳамдлар бўлсин.

**Муҳаммад Назар ҚАЙЙУМОВ,**

*ЎМИ масжидлар ва фатво бўлими мудири ўринбосари*

## ТУНЛАР ЁРУҒ БЎЛДИ

Ортада қолган Рамазони шариф диёримизда янада баракали, шукуҳли кечди. Саҳарлари қилинган дуолар шавқию шомда ифторга шошилишлар завқини келгуси Рамазонгача соғиниб-қўмсаб яшашимиз шубҳасиз. Айниқса, ёшу қари кўпчилик хуфтон палласи масжидларда йиғилиб, таровеҳ ўқиб, Қуръон хатмларида қатнашганининг файзи, таассуроти уну-

да. Шу боис ҳам Ўзбекистон муслмонлари идорасида масжидларимизда хатми Қуръонлар қилинишига, илми чуқур қориларни бу ишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Чекка вилоятлардаги масжидларга Тошкент ва Фарғона водийидан, Самарқанддан қорилар йўлланди. Андижон ва Намангандан келган қорилар пойтахт масжидларида ўқиган бўлишса, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Зарафшон, Хоразм, Қорақалпоғистон ва бошқа жойларга Тошкентдан борган қорилар хатмларга ўтишди. Шундай қилиб, юртимизнинг ҳамма гўшаларида Аллоҳ каломи — Қуръони

карим оятлари янгради.

Кувончлиси, йилдан-йилга масжидларимизда хатмлар кўпроқ бўлиши билан бирга, диёримиздан етишиб чиқаётган етук қорилар сафи ҳам ортмоқда. Бу йилги Рамазон ойида республикамизнинг саккиз юзга яқин

## УМРАЧИЛАР КЎПАЙДИ

Юртимиздан умра сафарига боришни хоҳловчилар йилдан йилга кўпайиб бораётгани кувончлидир. Бу ҳол шунга яраша қулайлик ва шароитлар яратишни талаб қилади. Шунини ҳисобга олиб, бу йил Ўзбекистон муслмонлари идораси умра зиёратини ҳар қачонгидан кўра ҳам уюшқоқлик билан ташкил қилди.

Йил бошидаёқ Саудия Арабистони ҳаж вазирлиги билан музокаралар олиб борилди. Натижада бу йил умрага борган юртдошларимизнинг ибодат ва зиёратлари аввалгидан унумли бўлишига эришилди. Жумладан, улар турадиган меҳмонхоналар Мадинада Масжидун Набавияга, Маккада эса Масжидул Ҳаромга яқинроқ жойдан олинди.

Шу йилнинг 27 август кунини умрачиларимизнинг биринчи гуруҳи Тошкент — Жидда йўналишидаги уоқларга ўтириб муборак сафарга жўнаб кетган бўлишса, охирчилари Рамазонда, 16 октябрда йўлга тушишди ва 31 октябр кунини сафарни адо-



фига етказиб, юртимизга эсон-омон қайтиб келишди.

Ўтган йили умрага юртимиздан икки мингга яқин киши борган эди. Бу йил яна минг нафарга кўпайди. Ва 2978 нафар юртдошимиз умра зиёратида бўлишди. Қолаверса, яна бир қулайлик: кишиларнинг истак ва имкониятлари ҳисобга олиниб, сафар икки хил муддатда ташкил қилинганини айтиш керак. Жами умрачиларнинг 1488 нафари бир ҳафталик, 1490

## ХАЙРИЯ ЁРДАМЛАРИ

Саховат кўрсатиш, муруватли бўлиш, ҳомийлик қилиш мўмин-мусулмонларнинг гўзал фазилатларидан ҳисобланади. Ўтиб бораётган “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да юртимизда хайр-эҳсон қилишга янада кенг

йўл очилди. Бундан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам чеккада тургани йўқ. ЎМИ камтаъминланган, боқувчисиз, етим-есир, муҳтож ватандошларга, кўзи ожизлар, ногиронлар жамиятларига, меҳрибонлик уйларига, мактаб ва боғчаларга хо-



нафари эса икки ҳафталик умра сафарида бўлишди. Айтиқса, 1713 нафар юртдошимизнинг Масжидул Ҳаромда муборак Қадр кечасида иштирок этганлари, фазилатли кунларда муқаддас заминда қилган ибодатлари ва ватанимиз, халқимиз ҳаққига дуолари ҳеч қачон хотираларидан чиқмаса керак.

Аллоҳ таоло юртдошларимизнинг ихлос билан қилган умра ибодатини даргоҳида қабул этган, эзгу дуоларини ижобат айлаган бўлсин.

**Саидбахром ҒУЛОМОВ,**  
ЎМИ Халқаро алоқалари  
бўлими мудирини ўринбосари

зиргача 32 миллион сўмдан ортиқ хайрия ёрдами кўрсатди. Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига бир миллион саккиз юз минг, Тошкент шаҳридаги марказий поликлиникага беш юз минг, муҳтож фуқароларга бир миллион 840 минг сўмдан ортиқ кўрсатилган моддий кўмак шулар жумласидандир.

Шунингдек, ЎМИ қошидаги махсус жамғарма ва юртимиздаги табаррук зиёратгоҳлар жамоалари муҳтож ташкилот ва фуқароларимизга берган моддий ёрдамлар миқдори йигирма уч ярим миллионга етди.

## МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Янгиқишлоққа булоқ суви келди

Фориш тумани марказида аҳоли сони ўсиши билан янги-турар жойлар ва ижтимоий иншоотлар кўпайди ва тоза ичимлик сувига талаб ҳам ортди.

Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида тоғ бағридаги Ёнғоқлисой булоқлари суви елим қувурлар орқали ўн бир ярим чақирим масофадаги Янгиқишлоқ сув узатиш тармоғига уланди. Натижада аҳоли бир кечакундузда ўртача тўрт-беш минг кубметр ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

ЎЗА

### Бухоронинг бир темирчиси

Бухоро қадимдан ҳунармандлар шаҳри ҳисобланади. Ҳозир ҳам бу кўҳна шаҳарда ҳунармандлар расталари мавжуд бўлиб, унда номи машҳур кандакору темирчи, мисгару зардўзлар фаолият кўрсатишади.

Яқинда Чехия Республикасининг Прежерове шаҳридаги қадимий Гелфштин қасрида ўтказилган темирчилар байрамида иштирок этган бухоролик машҳур уста Шокир Камолов кумуш сандон билан тақдирланди. Ҳамкасблар мусобақасида у ўғли Шавқиддин билан томошабинлар кўз ўнгида “Эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади” мавзуида темирдан ҳумо қушининг илонни парчалаётган ҳолатини ясаб, маҳоратларини намойиш қилишди ва иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Бу Бухоро чилангарларига олис Чехияда берилган юксак баҳодир.

ЎЗА

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

# ҚАЛБ ХАСТАЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА МУОЛАЖАСИ

Билгинки, баданнинг ҳар бир аъзоси махсус бир вазифа билан яратилган.\* Қачонки у аъзо хасталанса, қилиши лозим бўлган ишни бажара олмайди ёки қисман, изтироб билан бажаради. Қўл хасталанса, ушлаш қувватини йўқотади. Кўз хасталанса, кўролмайди. Қалб хасталанса, у ҳам ўзи учун белгиланган ишни бажаришдан ожиз қолади. Қалб учун белгиланган иш эса илм, ҳикмат, маърифат. Аллоҳ таоло деди:

**“Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим”** (*Ваззориёт*, 56). Ҳар бир аъзонинг вазифаси бор. Қалбнинг вазифаси ҳикмат ва маърифатни англаш.

Аллоҳ таоло барча нарсаларни яратган Зотдир. Агар инсон барча нарсаларни билса-ю, улуг ва қудратли Раббини танимаса, демак, у ҳеч нарсани билмабди. Таниш, билишнинг аломати — муҳаббат. Аллоҳни яхши кўрган киши Аллоҳни таниган кишидир. Муҳаббат эса дунё ва ундаги суюкли нарсаларни Яратувчидан устун қўймасликдир.

Ким бирон нарсани Аллоҳдан суюқлироқ билса, демак, унинг қалби касалдир. Бу бамисоли, нон билан сув бўлатуриб, лойга иштаҳаси очилган меъдага ўхшайди. Албатта, бундай бузуқ иштаҳа меъданинг касаллигидан далолат.

Қалб хасталигининг нозиклиги шундаки, киши бундай дардга чалинганини сезмайди. Лекин қалб хасталигини англаган инсон дарднинг оғирлигига яраша муолажанинг ҳам оғир бўлишини, бунга улкан сабр ва матонат лозимлигини тушунади. Негаки, қалб хасталигининг давоси шаҳватларга қарши бориши билан амалга ошади.

Қалби хаста киши дунёга муҳаббат қўйишга,

зоҳири ибодат, ботини одат ва риёдан иборат амалларга юз бурди. Қалб хасталигининг аломатлари мана шулардир.

Қалб сиҳҳатини тиклаш эътиборни дардга даво бўладиган сабабларга қаратиш билан бошланади. Масалан, Аллоҳ таолодан узоқлаштирувчи, ҳалокатга олиб борувчи бахиллик дардининг давоси молни сарфу инфоқ қилишдир. Лекин баъзида бу сарф исроф даражасига ўтиб кетади. Натижада бахиллик хасталигидан халос бўламан деб киши исроф дардини орттиради.

Мисол учун, тананинг совиб кетиши ҳароратни кўтариш билан муолажа қилинади. Аммо ҳароратни кўтариш ҳаддан ошса, бу ҳам касаллик. Аслида ҳарорат ва совуқлик ўртасида тенглик бўлиши лозим.

Шунингдек, исроф ва бахиллик орасида ҳам мўътадилликни сақлаш керак. Токи бизга керак нукта икки тарафдан бир хил узоқликда жой олсин.

Агар мўътадиллик нелигини билмоқчи бўлсанг, сақланишинг лозим бўлган хулққа назар сол. Бу хулқ ўзининг зидди бўлмиш бошқа бир хулқдан кўра сенга ёқимли ва енгил бўлса, демак, сен сақланишинг лозим бўлган хулқ мавжуд. Масалан, мол-дунёни сарфлашдан кўра уларни тўплаш сенга лаззатли ва осон бўлса, демак сенда бахиллик хулқи кўпроқ. Бас, мол-дунёнинг сарфлашга тириш!

Агар мол-дунёни керагича сақлашдан кўра ноўрин сарфлаш сенга лаззатли ва енгил бўлса, демак, сенда исрофгарлик хулқи устундир. Бас, молингни қўлда ушлаб туришни ўрган!

Нафсингни кузат. Қайси феълларни қилишинг осон-у, қайси феълларни қилишинг қийин эканини аниқ билиб ол. Қалбнинг мол-дунёга боғланиб қолишдан асра. Шундагина сен мол-дунёни ноўрин сарфлашдан ҳам, бахилликдан ҳам омонда бўласан. Мол-дунё сен учун бамисоли сув. Бирон ташнанинг чанқоғини қондириш учун сен уни ушлаб турасан, бирон муҳтожнинг ҳожатини раво қилиш учун сен уни сарф-

\*“Риёзатун нафс” (Нафс тарбияси)Т., “Мо-вароуннаҳр”, 2006, 26-бет.

лайсан, бераётганингдан заррача қийналмайсан, аксинча, лаззатланасан.

Қайси қалб шу даражага етса, билгинки, Аллоҳ таоло уни саломат сақлабди. Қалб нафақат саховат ва бахилликда, балки бошқа барча хулқларда ҳам дунёга заррача боғланиб қолмаслиги зарур. Нафс мол-дунё меҳридан узилсагина, сокинлашади.

### Нафс айбларини билиш йўллари

Аллоҳ таоло бир бандасини яхшилик билан сийламоқчи бўлса, унга нафсининг айбларини кўрсатиб кўяди. Кимнинг ботин кўзи очиқ бўлса, айблари унга хавф солмайди. Аммо аксар халқ биродарининг кўзига заррача гард тушса, дарров кўради, ўзининг айбларидан, кўзларига қамалган улкан “ғам”дан эса беҳабар.

Ким нафсидаги айбларни билмоқчи бўлса, бунинг тўртта йўли бор:

*Биринчиси*, нафс айбларидан хабардор, ундан етадиган яширин офатлардан огоҳ шайхнинг ҳузурда бўлиш. Бунда мурид шайхни нафсига ҳакам қилади, нафс билан курашда у зотнинг кўрсатмасига тўла эргашади. Бу мурид билан шайх, шогирд билан устоз ўртасидаги муомаладир. Зеро, шайх муридининг, устоз шогирдининг нафсидаги айбларини ва уларнинг муолажа йўлини яхши билади.

*Иккинчиси*, ҳақиқий содиқ, зийрак ва диёнатли дўст танлаш. Гўё бу дўст унинг нафси устидан кузатувчи вазифасини ўтайди. Шунда у дўстининг танбеҳу маслаҳатларига қараб ўзининг аҳволу феълларидан, зоҳиру ботин хулқларидан огоҳ бўлади.

Улуғларимиз шундай йўл тутардилар. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) дердилар: “Айбларимни менга ҳадя қилган кишига Аллоҳ раҳматини ёғдирсин”.

Салмон Форсий (розийаллоҳу анҳу) ўз айбларини бошқалардан сўраб турарди.

Алқисса, бир киши унинг ҳузурига келди. Салмон ундан сўради:

— Мен ҳақимда қандай ёмон сўзлар эшитдинг?

У киши ўзини билмаганга олди. Лекин Салмон уни тинч қўймади, гапиришга мажбур этди:

— Эшитишимча, дастурхонингизда доимо иккита идом (нонга суриб ейиладиган нарса. Тарж.) бўлар экан. Кундузи ва тунда қиядиган иккита кийимингиз бор экан, — деди у.

— Бундан бошқа айбларим ҳам бормикан? — деб сўради Салмон.

— Йўқ!

— Шу иккитаси ҳам кифоя қилади, — деди сўнгра.

Салмон Форсий Ҳузайфадан: “Сен Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муно-

фиқлар ҳақида айтган сирларини биласан. Айт-чи, менда ҳам нифоқ аломати борми?” деб сўрар эди.

Қаранг, саҳобаларнинг улуғи Салмон шундай деяпти. Аллоҳ рози бўлсин, у азизлар ўз нафсини шу тарзда ҳисоб қиларди. Ҳа, улар ақл жиҳатидан қанчалик комил, мавқе жиҳатидан қанчалик буюк бўлса, шунчалик ўзларини паст тутар, нафсидан айб қидирар эдилар.

Демак, ўтган улуғларимиз ўзгаларга танбеҳ бериш билан ўз айбларига эътибор қаратиш йўлидан боришган. Биз нима қиламиз? Айбларимизни юзимизга айтган киши душманмизга айланади, унга нисбатан кек сақлаймиз. Бу ишимиз имон заифлигидан бошқа нарса эмас.

Ёмон ахлоқ заҳарли илон ва чаёнларга ўхшайди. Агар биров кўйлагимизга ёпишган чаённи кўриб: “Ана, ичингга чаён кириб кетяпти”, деса, унинг бу огоҳлантиришидан миннатдор бўламиз, тезда бу заҳарли жониворни ўзимиздан узоқлаштиришга ҳаракат қиламиз, уни ўлдирамиз. Чаён заҳарининг баданга таъсири бир кун ёки ундан кўпроқ бўлар. Аммо ёмон ахлоқнинг қалбга таъсири бундан хавфлироқ. Негаки, у ўлимдан сўнг ҳам давом этади.

Афсус, биз ёмон хулқимиздан огоҳ этган кишидан хурсанд бўлмаймиз, тезда бу ёмон хулқдан қутулишга ҳаракат қилмаймиз. Балки насиҳат қилувчига: “Ўзинг ҳам фалон-фалон ишларни қилардинг-ку!” деб таъна ёғдирамиз. Бу ҳол қалбимиз қотганлигидан далолат. Қотган қалбда эса фақат гуноҳлар кўкаради, гуноҳлар мева беради. Аслида барчасининг илдири имон заифлигига бориб тақалади. Аллоҳ бизни айбини тан оладиган ва унинг муолажаси билан машғул бўладиган бандалардан қилсин, айбларимиз бизни ҳидоятга илҳомлантисин. Ҳалимлиги ва фазли билан ёмонликларимизни ўзимизга билдирган кишининг шукронасини адо қилишга муваффақ этсин.

*Учинчиси*, нафсининг айбларидан душманининг тили орқали воқиф бўлиш. Негаки, ёмонлик ёмонликни намоён қилади, яъни, душманинг оғзидан чиқаётган ёмон сўзлар сендаги ёмон хулқ, ёмон феълни сўзлаётган бўлса, не ажаб! Балки айбларингни яшириб, мақтову олқишларга кўмган айёр дўстдан, ҳар бир сўзи нафратга тўла душманинг сен учун манфаатлироқдир. Гарчи табиатинг уни ёлғончиликда, ҳасадгўйликда айблашга мойил бўлса-да. Аммо ботин кўзи очиқ киши ҳатто душманнинг сўзида ҳам фойда борлигини кўради.

*Тўртинчиси*, одамларга аралашиниш, яъни халқ ичида бўлиш. Киши одамлар орасида бўлиб, улардан бирон ёмон феъл содир бўлганини кўрса, ўз нафсидан ҳам шу феълни изласин, ўзида ҳам шу хулқ бор, деб эътибор этсин. Чунки мўмин мўминнинг кўзгуси, бошқанинг айби орқали ўзининг айбларини танийди.

Абдурашид ЗОҲИД

таржимаси

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Франция президентининг айтганлари



Франция президенти Жак Ширак диний мавзуда бир неча фикрларини изҳор этди. Асосий мавзуи Ислом динига муносабат эди. “Бу динни бузгунчи экстремистлар фаолияти билан аралаштирмаслик керак”, деди у. Президент “Оврупа I” радиостансиясига берган суҳбатида Рим

папаси Бенедикт XVI фикрларига бевосита муносабат билдирилмаган бўлса-да, аммо унинг нутқини назарда тутган ҳолда: “Муносабатлар кескинлашувига олиб келадиган ҳамма нарсадан тийилиш керак... Мен ихтилоф ҳақида гапиришни истамайман, чунки ихтилоф чиқариш динлар табиатига тўғри келмайди”, деди.

“Media International Group”

## Бангладеш ҳукумати қарори

Бангладеш ҳукумати “Фозил” мадрасаси битирувчиларини давлатнинг олий ўқув юртлари битирувчиларига, “Комил” мадрасасини битирганларни эса магистрларга тенглаштиришга қарор қилди. Мадрасаларнинг ўқитувчи ва талабалари бу қадамни қутлаб кутиб олишди. “Биз ҳукуматнинг мазкур қарорини табриклаймиз, уни Бангладешдаги таълим тарихида янги босқич дейиш мумкин”, деди мамлакат муслмонлари раҳбари Зайнул Обидин.

Бангладешда умумий таълим билан бир қаторда кўп йиллар диний дарслар ҳам ўқитиб келинади. Бу қарор айниқса камхаржлиги туфайли давлат ўқув юртларида ўқиёлмай, натижада ўзларига иш топа олмаётган талабаларга кенг имкониятлар очади. Мадрасаларни йилига йигирма икки минг талаба битириб чиқади. Улар одатда масжидларда имом ва умумий таълим мактабларда муаллим бўлиб ишлашади.

Islam News

## Муслмон мамлакатлари бўйлаб саёҳат

Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ)га кирувчи давлатлар 2010 йилга бориб жаҳон туризмини ривожлантиришга кўмаклашувчи бир қатор чора-тадбирлар режаламоқда. “Турли мамлакатлардан келган сайёҳлар муслмон мамлакатларида яшовчи халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини яхшироқ ҳамда кўпроқ билиш учун ана шу мамлакатларда тез-тез меҳмон бўлишлари зарур”, дейди Малайзия туризми вазири Тенгку Аднон.

ИКТ аъзолари, шунингдек, ташкилот раҳбарияти кун тартибига 2010 йилни “Му-



сулмон мамлакатлари бўйлаб саёҳат йили” деб эълон этиш ҳақидаги масалани ҳам кўйишди. Ташкилотга аъзо



57 мамлакат бу таклифни қўллаб-қувватлади. Ҳар йили ИКТ мамлакатларига 40 миллионга яқин сайёҳ келади. Бу кўрсаткич жаҳон туризм бозорининг беш фоизини ташкил этади.

Islam News

### Уч миллион нафар мусулмон умра қилди



Маккадаги Ҳаж институти раҳбари Усома Фазл ал-Бадрининг айтишича, бу йилги Рамазон ойида уч миллион мусулмон умра ибодатини адо этди.

Рамазон иссиқ мавсумга тўғри келгани учун Саудия Арабистони ҳукумати зиёратчиларнинг саломатлиги масаласига катта аҳамият берди. Айниқса, кекса ёшдаги зиёратчиларнинг соғлиғига кўпроқ эътибор қаратилди. Умрачилар умумий ададининг беш фоизини ёши улуг қариялар ташкил этади.

РИА “Новости”

### Россия

#### “Ислом ЮНЕСКОси”га аъзо бўлади



Мусулмон мамлакатлари ҳамжамиятида БМТнинг ЮНЕСКО ташкилотига тенглаштирилган таълим, фан ва маданият бўйича Ислом

ташкилоти (ИСЕКО) ўз сафида Россияни кузатувчи сифатида кўришни истади. Ташкилот бош директори Абдулазиз ал-Тувайжири Россия федерация Кенгаши спикери ўринбосари Александр Торшин билан учрашувда шу таклифни айтди. “Ташкилотимиз таркибида Россиянинг пайдо бўлиши мамлакатингизнинг мусулмон дунёсидаги мақомини янада оширган бўлур эди, — деди Тувайжири. — Россия кўпмиллатли, кўпдин-

ли ажойиб мамлакат саналади. Россиянинг Исломга муносабатини қадрлаймиз. Бугунги дунё динлараро бағрикенглик ва ҳамкорликка ҳар қачонгидан ҳам муҳтождир”.

Интерфакс

### Камчаткада илк масжид қурилади

Петропавлов-Камчатка маъмурияти вакиллари ва мусулмонлар вакиллари учрашувида шаҳарда яриморолнинг илк масжидини қуриш имкониятлари ҳақида сўз борди. Шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Николай Пегининг айтишича, шаҳарда турли диндаги кишилар яшайди ва масжид ҳам фаолият юритишга тўла ҳақли.

Ҳозирги пайтда масжид биноси учун ер майдони топиш масаласи кўриляпти. Мусулмон жамоаси эса ибодатхона лойиҳасини тайёрлаш билан банд. Шу кунгача яриморол мусулмонлари кундалик ва ҳайит намозларини кичикроқ намозхонада адо этишар эди.

Дейта Ру.

### Олмония

#### мусулмонлари билан учрашув

Мусулмонларнинг Оврупа жамиятига киришиб кетишига доир муаммоларни муҳокама этиш учун Олмония ҳукумати вакиллари билан мамлакат мусулмонлари илк бор Берлин шаҳрида тўпланишди. Учрашув Олмония ички ишлар вазири Волфҳанг Шойбле раислигида ўтди.

Кўпгина масалалар қатори мактабларда Ислом дини асосларини ўқитиш, мутахассис-имомлар тайёрлаш, ёшларга таълим бериш ва уларни иш билан таъминлаш муаммолари ҳақида ҳам сўз борди.

Ҳозир Олмонияда беш миллионга яқин мусулмон бўлиб, уларнинг кўпи Туркиядан келган муҳожирлардир.

Islam.ru



### Голландияда шифохона

Роттердам шаҳрида илк исломий шифохона қуриш режаланмоқда. Шифохона исломий меъморлик анъаналарига мувофиқ қурилади ва эркаклар ҳамда аёллар учун алоҳида бўлимлар ташкил этилади. Беморларга улар жинсидан бўлган врач ва тиббий ходимлар хизмат кўрсатишади. Барча таомлар Ислом шариати талабларига мувофиқ тайёрланади.

Даволашда анъанавий дори ва ўтлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади. Шифохона қошида мунтазам имоми бўладиган намозхона очилади. Касалхона икки йилдан сўнг биринчи беморларни қабул қилади.

Ҳозирги пайтда Голландиядаги ўн олти миллионли аҳолининг олти фоизи мусулмонлардир. Тадқиқотчилар ҳисобига кўра, 2020 йилга бориб бу рақамнинг саккиз фоизга етиши тахмин қилинмоқда.

ИТАР-ТАСС

### Насронийлар ёрдами



Харков шаҳри насронийлари шаҳардаги “Хавидрали” масжидини қайта тиклашда мусулмонларга ёрдамга келишди. Юз ёшли бу масжидни

1936 йили совет ҳукумати портлатиб ташлаган эди. “Насроний биродарларимиз масжидни қайта таъмирлашда ёрдамларини таклиф этишди, — дейди Харков мусулмонлар кенгаши раҳбари Рашид Брагин. — Аллоҳ битта ва У ҳаммага кифоядир. Насронийлар Аллоҳнинг уйини тиклашда биз билан биргадир”.

Масжид таъмири рамазон ойида бошланди ва икки-уч йил давом этади. Ҳозир мамлакатда 200 масжид ва йигирмата Ислом маркази ишлаб турибди.

Islam Online

### Янги газета

Қозоғистонда “Бизнинг дунё” деб номланган янги исломий ижтимоий-сиёсий республика газетаси чиқа бошлади. Янги нашр фаолиятининг асосини исломий тамойиллар ташкил этса-да, бироқ у очиқ, кенг қамровли, хилма-хил ўқувчилар доирасига мўлжалланган

газета бўлиб қолади. “Бизнинг дунё” Қозоғистоннинг барча минтақаларида тарқайди. Унинг материаллари ранг-баранг: газета саҳифаларидан янгиликлар, таҳлилий, маданиятга доир, диний мақолалар ўрин олади. Покиза ҳаёт тарзини кўрсатиш орқали ахлоқ-одобни тарғиб қилиш, кечаётган ҳодисалар бўйича мусулмонларнинг нуқтаи назарини тушунтириш мазкур нашрнинг асосий вазифаларидандир.

Islam.ru

### Исломий тафаккурга қизиқиш



Ғарбдаги ҳукуматга мойил ва нодавлат ташкилотлар Жанубий-шарқий Осиёдаги, энг аввало, Малайзиядаги мусулмон муаллифларнинг асарлари таржима қилинишини ҳартомнама рағбатлантиришяпти. Уларнинг фикрича, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Таиланд файласуф ва ёзувчиларининг бутун бир гуруҳи таклиф этаётган Ислом тафаккури, агар тил муаммоси бўлмаганида, ҳозирги замонамизга кўп нарса бериши мумкин эди. Турли жамғармалар китобларни инглиз ва араб тилларига таржима қилиш ва нашр этишга киришди. Яқинда Савфиқ Ҳасимнинг “Исломдаги аёл Индонезия нигоҳида”, Азюмарди Азрининг “Индонезия: Ислом ва демократия” каби асарлари нашрдан чиқди.

ArabNews

### Астраханда Оқмачит қад ростлайди

Астрахан (Россия) ҳоқими Сергей Боженков шаҳардаги машҳур Оқмачит жомеини қайта тиклаш учун ёрдамга тайёр эканини изҳор этди. У мусулмонлар билан учрашувда: “Оқмачитни қайта тиклаш Астрахан тарихига эҳтиром демакдир, бу гап мусулмонларгагина эмас, муқаддас ибодатгоҳни азиз санаган ҳаммага тааллуқлидир”, деди ҳоқим.

Оқмачит 1776 йили қурилган эди. Совет ҳоқимияти йилларида бу ерда жомадон фабрикаси, устахоналар жойлаштирилди. Шу боис яроқсиз ҳолга келиб қолган мазкур масжидни қайта тиклаш ҳақида 2001 йилдан буён сўз боради, аммо бу соҳадаги амалий ишлар шу йилнинг баҳорига келибгина тезлашди.

Астрахан FM

Х аср сайёҳлари Қашқадарёни “Кешқурд” деб тилга олишади. Асруд шу дарёнинг шимолий ирмоғидир. Бу дарё тарихий манбаларда “Хашка” деб аталгани ҳам учрайди. Шаҳарнинг жанубидан оқиб ўтадиган дарёнинг номи “Наматсозлар” бўлгани эса, шу жойларда наматсоз хунармандлар яшаганидан дарак беради. Қашқадарёнинг шимолга қараб оққан Жажуруд (Узел, Китобдарё), жанубга томон оққан Хушқурд

тўртта кенг ва пастак равоқлар орқали туташтирилган. Кўприкнинг узунлиги 122 метр, эни 8,2 метр, дарё тубидан ўртадаги йўл қопламигача бўлган баландлиги 5,35 метр. Кўприкнинг ҳар икки томонидан равоқлар оралигидаги пилпоялар жуда бақувват цилиндр гишт тирговчулар билан мустаҳкамланган. Кўприк пойдевори пасти томони-



## ҚАШҚАДАРЁ КЎПРИГИ

(Яккабоғ), шаҳар бўйлаб оқиб ўтадиган — Балххузурруд (Каттаурударё ёки Хузардарё) каби ирмоқлари бўлган.

Ўрта асрларда юртимиздаги дарёлар устига пишиқ гиштлардан кўприк солиш расм бўла бошлаган ва давр ўтган сари тақомиллаштириб борилган. Булардан бизгача етиб келган энг кўҳналари XVI асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли бўлиб, Қашқадарё устига қурилган кўприк уларнинг энг каттаси ҳисобланади. Бу кўприкни Абдуллахон қурдирган. У ҳозирда ҳам хизматини ўтаб турибди. Дарё ўзанини кесиб ўтган гишт кўприк ўн иккита мустаҳкам пилпоя оёқларга таяниб, ўн

дан кенгайтирилиб ҳар бирининг диаметри қарийб тўрт метрдан келадиган буржларга бирлаштирилган.


Дарё ўзанини кенгайтиргани сабабли кўприк 1914 йили қайта қурилган: қирғоқнинг энг четларидаги кўҳна пилпоя устунлари янада пишиқ устунлар билан алмаштирилиб, ўтиладиган жойининг ҳар томонларига оврупача гиштлардан иккитадан қоровулхона тикланган. Бу қурилиш қачон қилингани гиштга ёзиб қўйилган.

Юк машиналарининг ўтишига ҳалақит бера бошлаган ярим куббачалари кейинги йилларда аста-секин нураб, қулаб тушган ва 1960 йилда бу кўҳна

қатламлар кўчириб олиниб, қадимда терилган тошлар ўрни асфалтга алмаштирилди. Ён томонидаги пиёдалар юрадиган йўлқалар темир-бетон таянчларга ўрнатилган металл панжаралар билан ўраб қўйилди.

Шарқ меъморлигининг ўзига хос обидаси бўлган Қашқадарё кўприги бизнинг кунларгача яхши сақланган ҳолда етиб келди. Ана шу кўприк ёнида янги Қашқадарё кўприги қурилди. У беш йилдан буён кишилар хизматидадир.

**Асрор ҚИЛИЧЕВ,**  
ЎМИнинг Қашқадарё вилояти  
вакиллиги матбуот шўъбаси  
раҳбари





ди. Абдулазизнинг Бухоро мадрасаларидан бирида мударрис бўлиб ишлайдиган акаси бу хунрезликни кўриб, юраги қинидан чиқиб кетган, уч кун ўтмай қазо қилган эди. Абдулазиз Андижонга қайтиб, устоз Рўзи қори домланинг қорихонасига борди. Икки йилга етар-етмай, у Ҳақ китобини тўла ёд олди. Қуръони каримни ҳифз қилиши, мураттаб қори бўлиши катта иқтидоридан дарак эди. Илмига амал қилиб, Қуръон хулқи билан хулқланиб бораётгани устозини севинтирди: Абдулазиз Рўзи қори домла оиласининг бир аъзосидай бўлиб қолди. Сабоқдан бўшаса, қори аканинг болаларига қарар, катта ўғли Абдулбоқийни кўтариб юрар эди. Аммо совет ҳукумати тиклангани сари чеккаларда

# БИР УМР ҚУРЪОННИ

**1902 йил.** Дукчи Эшон қўзғолонини баҳона қилиб, чор босқинчилари Андижонни қонга ботирганига тўрт йил бўлган. Оммавий қирғин халқ хотирасидан ҳали ўчмаган, юрагидан унинг доғи кетмаган, оқибати ҳамон давом этар эди. Кўргулик экан, маҳаллий халқ орасида босқинчилар ёлғонига ишонган жоҳиллар бу хўрликлар боисини мустамлакачилардан эмас, ожиз ҳолидаям золимларга мардона қарши чиққанлардан кўриб, уларни қарғаб юрганлар ҳам пайдо бўлди. Аммо имони бутун, оқу қорани таниган кишилар Муҳаммад Али халфа ва унинг сафдошларини Ватан озодлиги йўлида курашган қаҳрамонлар деб билишди, бу унутилмас мудҳиш воқеадан ҳам ўзларича сабоқ чиқаришди... Ана шундай кунларнинг бирида Андижоннинг Хонободидан мулла Маҳмуд Шомирза ҳожи хонадонидан ўғил туғилди. Яхши ният билан унга Абдулазиз деб исм қўйишди.

**1915 йил.** Абдулазиз зеҳли, фаросатли чиқди. Мурғаклигиданоқ Қуръони каримга муҳаббати бўлакча бўлди. Каломуллоҳни ўрганишга тушди.

**1921 йил.** Ҳар бир замон банда учун бир имтиҳон экан. У мадраса таълимини оламан деб Бухорога борганида асрлар давомида диннинг қуввати деган шарафли номга эга бўлган бу шаҳар динсизлар тажовузидан хароб аҳволда қолган эди. Ўша пайтларда болшавойлар беш юз қорини шаҳар ташқарисига ҳайдаб чиқиб, буларга ўқ ҳам хайф дегандай, пичоқ билан бўғизлаб ташлаш-

ҳам қорихоналарни бирма-бир ёпиб, қориларни таъқиб этишга тушди.

**1927 йил.** Устози оиласини олиб, Шарқий Туркистонга ҳижрат қилишга мажбур бўлди. Ёш Абдулазиз қори учун ҳам икки йўлдан бирини танлаш масаласи кўндаланг бўлди: юртда қолса, боши омон бўлса-да, илмидан айрилади. Чиқиб кетса, қанчалик аламли бўлмасин, имонда собит қолади. Қуръон илмидан бошқаларни баҳраманд этиши мумкин. У бир қарорга келди: устози Рўзи қорига эргашиди.

**1927 — 1959 йиллар.** Ўттиз икки йил умри Қашқарда ўтди. Аммо бир жойда муқим яшамасди. Уйғур туманларини кезиб, қанча-қанча қардошларнинг Қуръон саводини чиқарди. Шу билан бирга ҳижрат қилган пири муршид уламолар, устозлари жумладан 134 ёшга етган Қосим охунд, Бухоронинг охириги қозиси Бақоҳўжа қози, Абдуллоҳ домла Хужандий каби мўтабар кишиларнинг хизматини қилиб дуоларини олишга муяссар бўлди. Қашқарда бир йили вабо тарқалиб, бедаво дард устози Рўзи қорига ҳам ёпишди. У хастанинг сўнгги нафасигача ёнида бўлди, хизматини қилди. Кароматини қаранг, Рўзи қорининг ўлими билан бу ерда вабо ҳам таққа тўхтади, бедаво дардни ўзи билан олиб кетиб, халқ қутулиб қолди гўё. Лекин Хитойда “қизил вабо” — динсизлар таъқиб-тазийқи тўхтади демасди. Қорини ватан соғинчи ҳам ўртар эди. Эллигинчи йиллар-

нинг ўрталарига келиб, Совет ва Хитой давлатлари ўртасига совуқчилик тушиб, юртга қайтолмай қолиш хавфи ортди. У барча кўргуликларга рози бўлиб, ватанга интилди.

**1959 йил.** У оиласини олиб, Тошкентга келди.

**1959—1991 йиллар.** Совет давлати айна кучга кирган, даҳрийлик авж олган бир паллада — яна ўттиз икки йил давомида Қуръон зиёсини тева-ракка улашди. Аллоҳ таолодан тинимсиз юрт озодлигини сўради. У Қашқардан қайтган йилиёқ дин қайғуси ва миллат озодлигига умрини тиккан Алихонтўра Соғунийнинг яқин шогирд ва ҳамфикрлари қаторидан ўрин олди. Қуръони каримни ўрганишга бел боғлаганлар Абдулазиз қори таълимидан ҳам баҳраманд бўлишди. Кўп йиллик узилишдан сўнг 1975 йили яна ёшлар орасидан Тошкентда биринчи мураббат қори чиқди. Бунда Абдулазиз қори отанинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор эди.

аввалги сафларида турди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръон қориларига хушхабар берганларидек, Ҳақ китобини кўп ва ҳўб ўқиганлардан бири Абдулазиз қори отанининг ётган маконлари ёруғ, охиратда мартабалари улуғ, жаннатдаги даражалари юксак бўлсин!

**Азизлар! Устознинг ҳаёти биз ва сиз учун ибрат мактабидир. У кишини яқиндан билганларнинг хотиралари ҳам бунга далолат қилади.**

**Зоҳидхон қори АЗИМБОЕВ, “Кўкалдош” мадрасаси мударриси:**

— Мен Қуръонни ўн беш-ўн олти ёшимда машхур Рўзи қори домланинг ўғиллари Абдулбоқий қори акадан ола бошлаганман. Бир куни устозим: “Тошкентда Абдулазиз қори деган улуғ инсон бор, у киши отамнинг содиқ шогирдла-

# КЎТАРИБ ЎТГАН ЗОТ

**1991—2006 йиллар.** Ниҳоят, Абдулазиз қори ота Яратганни таниганидан буён орзу қилган кунларга етди. Мустақил Ўзбекистонда диний-миллий қадриятлар тикланишининг гувоҳи бўлди. Бутун эл-юрт қатори Тошкентда ҳам тараққий йўлига тушган Қуръон илми, Қуръон қироати устозлари сафида у ҳам шогирдлари иқболидан хурсанд яшади. Унинг таълим ва маслаҳатларини олган устозининг ўғли биргина Абдулбоқий қори уч юз нафардан ортиқ мураббат қори чиқарди.

**2006 йил 7 август.** Абдулазиз қори ота 104 (ҳижрий ҳисоб билан 107) ёшида бу фоний дунёдан боқий дунёга кўчди.

\* \* \*

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Узоқ яшаб, бутун умрини Аллоҳ таоло итоатида ўтказиш саодатдир” (*Абу Бакр ривояти*). Аллоҳнинг каломига муҳаббатли, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига мувофиқ истиқомат қилган устоз Абдулазиз қори Маҳмуд мулла Шомирза ҳожи ўғли тўқсон йил Қуръони карим аҳлидан бўлди. Тўқсон йил Қуръони каримни кўксида кўтариб, хатмларга ўтди. Бутун ҳаёти, бор истеъдодини Қуръонни ўрганиш ва ўргатишга сарфлади. Мукамал дин Ислом билан қалбини зийнатлаб, Туркистон ўлкаларида имкони борича Қуръон зиёсини улашди. Бу йўлда собитқадам маърифатчиларнинг энг

ридан”, деб ҳурмат-эҳтиром билан гапирдилар. Вақти-соати етиб Тошкентга тушганимизда устоз Абдулбоқий қори мени Абдулазиз қори отанинг хонадонларига олиб бордилар.

Эшикдан кириб борганимизда Абдулазиз қори ота йўқотган нарсасини топиб олган одамдай севиниб кетдилар. Ниҳоятда ҳаяжонланган бир вазиятда Абдулбоқий қори ака билан бир неча марта кўришиб, эҳтиромларини кўрсатдилар. Янги, алоҳида кўрпачалар солдириб, меҳмонлари ўтиргунча ўзларини кўярга жой топа олмай қолдилар. Ростини, ҳали ўсмир ёшда эмасманми, қори отанинг бу ишлари ўшанда менга ортиқча такаллуфдай туюлган эди. Лекин бу воқеа ҳеч эсимдан чиқмади. Нега қори ота бундай ҳолатга тушган эдилар? Бунинг ҳақиқатини кейинроқ аниқладим.

Ёшми, қарими, ким бўлишидан қатъи назар, қорига улуғ бир эҳтиром, ҳурмат кўрсатар эдилар.

1974—1975 йиллари у кишининг хонадонларига бориб, ҳифзимни назоратларидан ўтказиб олганман. Ҳар куни ўзлари кутиб олар, ўзим, оиламиздагилар ҳол-аҳволини сўраганларидан кейин, мени тўрга ўтказиб, ўзлари пастдан жой олиб, камтаринлик билан Қуръони каримни тинглар эдилар.

Қуръони каримга, қориларга ҳурмат-эҳтиром оилалари муҳитида ҳам ҳукмрон эди. Ҳар куни бир ярим соат давомида Қуръонни ўтказиб бе-

риб қайтар эканман, бу ердан бир чўқим ош емасдан кетмасдим. Негаки, қори отанинг аёллари (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) биз қироатни тугаллаб, эшикни очишимиз билан қўлларида обдастани ушлаганча турар, меҳмонхонада эса дастурхон ёзилиб, кўрпачалар тўшаб кўйилган бўлар эди.

Ниҳоят, 1975 йили ўн кунда ўттиз пора Қуръонни қори отага хатм қилиб, мураттаб қори бўлиш насиб этди. Албатта, ҳаяжоним, қувончим ичимга сиғмасди. Аммо менинг шу даражага етишимда алоҳида ҳисса қўшган устозим Абдулазиз қори отанинг севинчлари, ҳаяжонлари меникидан ҳам ортиқ эди. Бошлари кўкка еткудек ҳолатда мени кучоқлаб, севинчдан йиғлаб юбордилар. Сўнг менга бошдан-оёқ кийим кийгизиб, дедилар: “Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, яна азим Тошкентимиздан мураттаб қори чиқди. Энди кўкрагимизни кўтариб юрсак ҳам бўлади”.

Абдулазиз қори ота қаерда бўлмасин, бирор қори пайдо бўлса, қанчалик қувонсалар, қори оламдан ўтса, шунчалик қаттиқ қайғурар эдилар. Андижоннинг Ойим қишлоғида Абдумалик ака деган қори акамиз бўларди. Кўзлари ожиз бўлсада, ўзлари беназир ҳофизи Қуръон эдилар. У кишини Тошкентда ҳам ардоқлашар, Зиёвуддин қори ибн Эшон Бобоҳон билан бир неча йил пойтахтнинг Тилла Шайх, Шайх Зайниддин, Рақат масжидларида хатмга ўтишган эди. Шу қори акамиз қазо қилганларининг иккинчи ё учинчи кунни бир иш билан Абдулазиз қори отаникига кирдим. Қори ота мен билан кўришган заҳотлари кўзларидан дув-дув ёш тўкиб: “Зоҳидхон, эшитдингизми, Абдумалик қори ўтди”, дедилар оғир изтироб билан. Шунда мен қорининг ҳаётдан кетиши қанчалик катта йўқотиш эканини чуқур ҳис қилганман.

\* \* \*

**Яҳё қори ТУРДИЕВ, Тошкент тумани “Ҳасан ота” жомеъ масжиди имом-хатиби:**

— Устозимиз Абдулазиз қори ота билан ҳар учрашувда бир илм, бир ҳикмат, ҳаётий сабоқ олганмиз. У зот бутун Қуръони қаримни худди Фотиҳадек яхши билардилар. Биз ўн-ўн беш йил бирга-бирга Қуръон хатмларига ўтганмиз. Ҳаётимни бутунлай ўзгартирган иккита воқеани айтиб бераман.

Мен ўн беш-ўн олти ёшли ўспирин Урумчининг чекка бир маҳалласидан устозга қатнаб юрган кунларим эди. Устоз хонадонидан у киши билан учрашиб, суҳбатлашиш муяссар бўлди. Қироатимни кўриб: “Худо хоҳласа, сиздан яхши қори чиқади”, деб кўнглимни тоғ қадар кўтардилар. Мен янада шижоат билан Қуръонни ўрганишга тушдим.



Тақдир бизни йигирма йиллардан кейин Тошкентда яна учраштирди. “Ҳозир қаердасиз?” деб қизиқдилар. Мен Тўйтепа томондаги бир қишлоқда яшаётганимни айтдим. У киши: “Бу қишлоқда қолсангиз, узоққа боролмайсиз, ўрганганингизни ҳам бировга ўргатолмайсиз, ҳаракатингиз беҳуда кетади. Шаҳарга, Тошкентга келинг. Бу ер илм маркази, сизга кўп нарса беради, имкониятингиз кенгайди”, дедилар куюнчаклик билан. Шундан кейин Тошкентга кўчиб келиш пайида бўлдим.

\* \* \*

**Анвар қори ТУРСУН, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби:**

— Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўтганларнинг фазилатларини зикр қилингллар, деб марҳамат қилганлар. Ўзбекистондаги барча қориларнинг устози Абдулазиз қори отанинг Қуръони қаримга, миллатимизга қилган хизматлари беқиёс, илмлари, тақволари, одоблари беназир эди. Битта фазилатларини айтай. Мен қачон зиёратларида бўлсам, ҳамшиша меҳмондўстликларидан таъсирланар эдим. Хонадонларига ким келишидан қатъи назар, жуда катта эҳтиром, эъзоз кўрсатар эдилар. Юз ёшга етиб қолганларида ҳам уйларига келган меҳмонга, ҳатто ёш бола бўлсин, ўзлари хизмат қилиш пайида бўлардилар.

Вафотларидан бир кун олдин мени йўқлабдилар. Бордим. Ўзлари елкаларидан зўрға нафас олиб турибдилар, шунга қарамай, ўғилларига: “Меҳмонга қаранглар”, дегандай ишора қилдилар. Бунақа нозик муомалаларини кўриб, кўзларим жикқа ёшга тўлди. Хуллас, устоз Абдулазиз қори отанинг ҳаётлари бир олий мактабдир. Ул зотнинг оддий ҳаракатлари, камсуқум, аммо ақлу дониш, фаросат билан юқтириладиган одоб сабоқларини ҳеч бир ўқув юртида кўрмадим. Бу латиф фазилатлари, дарёдай илмлари то қиёмат қадар азиз устозимиз учун садақай жория бўлсин. Омин.

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**  
тайёрлади.

# САНАМ ХОЛАНИНГ РЎЗАСИ БУЗИЛМАДИ

Рамазон ойларида катталарга кўшилиб рўза тутишга жуда қизиқар эдик. Уйкуга тўймаган кўзларимизни ишқаб, сахарликка турардик. Кундузи эса бемалол овқатланиб юриб, кечга боргач, ноз-неъматга тўла ифторлик дастурхонини кўриб, яна “рўза” лигимиз ёдимизга тушиб қоларди.

Дастурхон атрофида чумчуқ болаларидек тизилиб ўтириб, қўлларимизни тиззаларимизга кўйиб, одоб билан ифторлик вақтини кутардик.

Раҳматлик бобом ҳеч

бўлиб, бир ўзи ёлғиз яшарди. Биз рамазон айтишни шу ердан бошлардик. Нега десангиз, Санам хола кўли очик инсон эди, бизга кўп ёнғоқ берарди!

Ўша йили ҳам рўза куз ойларига тўғри келган, пахта йиғим-терими айна авжига чиққан эди. Бир куни илғор теримчиларни туман марказидан вакиллар келиб мукофотлашди. Ҳамма тушда шийпонга йиғилди. Ниҳоят, илғорлар рўйхати бирма-бир ўқилиб, мукофотлаш бошланди. Навбат Санам холага етди...

*Абу Ҳурайрандан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) марҳамат қилдилар: «Одам ўғиллари қилган ҳар бир амал (нинг савоби) кўпайтирилади. Хайрли амаллар энг камида ўн баробар ёзилади, бу етти юз баробаргача кўпайиши мумкин. Аллоҳ таоло (бир ҳадиси қудсийда) бундай буюрган: «Рўза бу қонидан мустасно. Чунки рўза фақат Мен учун (тутилади), Мен ҳам унга (хоҳлаганимча) мукофот берман. Бандам Мен учун шахватни, еб-ичишни тарк этади» (Бухорий, «Савм» 2,9; «Либос» 78; Муслим, «Сийам» 164; Абу Довуд, «Савм», 25)*

қанақа соатни тан олгиси келмасди. Оғиз очиш вақти бўлди деса ҳам, кўнгли тўлмас, бир кесакни олиб ҳовли томонга отиб кўрарди. Кесак бориб тушган жой кўринмасагина ифторликни бошлардик.

Ифторлик тугагач, катталар Қори буванинг уйларига йиғилар, акамни кўчага қорувликка кўйиб, ўзлари намоз ўқишар эди. Биз болалар эшикма-эшик юриб, рамазон айттардик. Қишлоқнинг чеккасида Санам холанинг уйи

Шу пайт яқинда шаҳардан қайсидир ўқишни тамомлаб келиб, “Селсовет”га ишга жойлашган, сочини силлиқ тараб, доимо “Урал” мотосиклида кўчамизни чангитиб ўтадиган йигит меҳмонлар бошлигининг қулоғига бирнималар деб пичирлади. Кейин шапка кийган бошлиқ бошини сарак-сарак қилди-да, “Бир коса сув келтиринглар”, деди. Дарров сув келтиришди. У косани силлиқсоч йигитга берди. У эса Санам холага тутиб:

— Қани, ичинг,  
— деди.

Санам хола узоқ вақт жим туриб қолди. Ниҳоят, илтижо билан Қори бувага қа-

ради. Қори бува унга ичавер дегандай ишора қилди. Санам хола сувни ичди. Аммо ичиб бўлгунича кўзларидан ёшлар қуйилди. Кейин мукофотни ҳам олмасдан тез-тез юрганча пахтазорга кириб кетди.

Ўшанда мен Санам холага жуда ачиндим. Ўзимча, силлиқсоч йигит кўчамиздан ўтса, тошбўрон қиламан, деб дилимга тугиб кўйдим.

Қори бува шийпондан қайтаётиб бобомга:

— Санамнинг рўзаси бузилгани йўқ, гуноҳи ўшанинг бўйнига, ҳеч нарса жавобсиз қолмайди, — деди.

Орадан узоқ вақт ўтмади. Бир куни силлиқсоч йигит туман марказида маст ҳолда қайтаётиб мотосиклда зовурга тушиб кетди. Қишлоқ аҳли, унга Санам холанинг қарғиши теккан, дейишди. Йўқ, Санам хола ҳеч кимни қарғамасди. У беозор аёл эди. Аллоҳ таоло ожиз, беозор бандасининг ёнини олади.

**Муҳаммаджон РАҲМАТОВ,**  
Бўз тумани



Термиз йўналишида Отчопар бозоридан ўтиб-ўтмай чап томонда Бешқўрғон маҳалласи кўзга ташланади. Кекса отахонлар айтишича, бу жойлар ўтган асрнинг йигирманчи йилларига қадар сувсиз бўз ерлар бўлган экан. Дастлаб тошкентлик бойлардан



лар ўтиши билан янада хароб ҳолга тушди.

Мустақиллигимиз шарофати билан диний-миллий қадриятларимизга эътибор кучайиб, бешқўрғонликлар ҳам масжидни ортиқ бундай ҳолда қолдириб бўлмаслиги тўғрисида бир қарорга келишди.

## “БЕШҚЎРҒОН” ЖОМЕЪ МАСЖИДИ

(Мавзуга оид суратлар муқованинг 3-бетида)

бир неча киши баҳор, ёз ойларида яшаш, зироатчилик қилиш ниятида бу ерларга сув чиқаришади. Йиллар ўтгани сайин ўзлашган ерлар кўпайиб, ҳар-ҳар жойда бошпаналар қурилади. Улар орасида шаҳарлик бойларнинг бир-биридан унча узоқ бўлмаган бешта қўрғони алоҳида кўзга ташланиб турган. Кейинчалик бу ерларга бош-

қалар ҳам кўчиб келавериб, қишлоқлар пайдо бўлган ва одамлар бу жойларни “Бешқўрғон” деб атай бошлашган.

Бешқўрғондаги эски қабристон ёнида совет давридаёқ кичкина бир масжид қурилган. Лекин биноси буткул қаровсиз, рўйхатдан ўтказилмаган, атрофи чакалакзор бўлиб ётар эди. Йил-

Дуоғўй отахонлардан Мўмин ҳожи Баҳромов, Анвар ҳожи Қаюмов, уста Эргаш ота, Нуриддин ота ва бошқа фаоллар ташаббуси билан янги масжид қуриш режаси тузилди.

Халқни ҳашарга чақириб, чакалакзор олиб ташланди, атроф текисланди, тозаланди. Зарурий ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг Зангиота туман ҳокимияти қабристон учун бир ярим гектар, масжид қурилиши учун эса йигирма беш сўтик ер ажратиб берди. Тез орада қурилиш лойиҳаси ҳам тайёр бўлди.

Халқ ҳашарининг ҳикмати кўп, баракаси катта. Ҳар ким имкони қадар масжид қурилишидан ёрдамани аямади. Узоғи билан бир ярим-икки йилга бормай янги масжид қад ростлади, ҳовлиси ободонлаштирилди. Шунингдек, қабристон ҳам гиштин девор билан ўралди, ичкари-сига асфалт йўлаклар ётқи-





зилди, қатор ўриндиқлар ўрнатилди.

Махсус қувурчалар кўмилиб, уч юз йигирма метрлар чамаси узоқликдан масжидга ичимлик суви келтирилди. Ихчамгина таҳоратхона қурилди. Ўтган йили куз ойлариди масжид ҳовлисига зангламайди, йўл-йўл қалин тунукадан айвон қилинди.

Янги хонақоҳга уч юз-уч юз эллик намозхон сиғади, ҳовлидаги айвон битгач, масжидда саккиз юз минг киши бемалол намоз ўқий олади. Бу хайрли ишларда Зангиота тумани ҳокимияти, турли маҳаллий ташкилотлар, шунингдек, серҳиммат тадбиркорлар Бешкўрғон аҳлига яқиндан ёрдам беришди. Айниқса, Шухрат ва Шавкат Фаттоҳовлар, Зоир Турғунбоев, Ғайрат

Баҳромов, Маҳмуджон Исроилов каби тадбиркорларнинг, ширкат хўжалиги раҳбари Зикруллоҳ Эгамбердиев, Мардонбек табиб, оқсоқоллар Шохўжа Нортоев, Мирсоат Каримов кабиларнинг ҳиммати, ғайрат-шижоатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қурилиш моллари бозори, чиннибозор, “Отчопар” буюм бозорида тижорат қиладиган, шунингдек, Эркин кўрғонилик азамат йигитлар масжид қурилишида холис тер тўкишиб,

отахонларнинг хайрли дуоларини олишди.

— Ёшим бир жойга бориб қолди, — дейди суҳбат орасида Мўмин ҳожи ота

бўйи далада ер чопишарди бояқишлар...

Ҳозирги ҳолатимизни у замонларга солиштирсак, шукр қилишимиз керак. Ким

тиришса, ёмон яшамаяпти. Биз қариялар юртбошимизни кўп дуо қиламиз. Амалга оширилаётган яхши ишларни Аллоҳ таоло бардавом қилсин...

Тошкент Ислом институтини тугатган имом-хатиб Абдуқаҳҳор Юнусов масжид ободлиги, жамоа аҳил-иноқлиги, ибодатларнинг мукаммал адо этилишини таъминлаш чораларини ҳар доим диққат марказида тутади. Фаол отахонлар билан, илм ва одобда ўрнатилган ёшлар билан бамаслаҳат иш кўради.

Хуллас, кейинги уч йил ичида Тошкентнинг шундоқ биқинида жойлашган “Бешкўрғон” жомеъ масжиди ҳаётида шундай муҳим ўзгаришлар юз берганини кўриб, қувонишимиз табиийдир.

Абдул ЖАЛИЛ

**Абу Ҳурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади:** «*Ҳазрати Пайғамбар (алайҳиссалом) бундай деганларини эшитдим: “Сизлардан бирингизнинг эшиги ёнидан бир дарё оқса ва бу дарёда ҳар куни беш марта ювинса, баданида бирор кир қоладими?”*»

“*Бу ҳолатда ҳеч қандай кири қолмайди*”, дейишиди.

**Пайғамбаримиз (алайҳиссалом):**

“*Мана шу беш вақт намознинг мисолидир. Аллоҳ улар (беш вақт намоз) ёрдамида барча хатоларни ўчиради*”, дея марҳамат қилдилар» (Бухорий. “Мавоқит”, 6; Муслим. “Масоҷид”, 282; Термизий. “Амсол”, 5; Насай. “Солат”, 7).

\* \* \*

**Робеъа ибн Каъб ал-Асламийдан ривоят қилинади:**

«*Мен тунни Расулulloҳ ёнларида ўтказдим, таҳорат суви ва бошқа эҳтиёжларини таъминладим. Охири у зот: “Мендан нима истайсан?” деб марҳамат қилдилар.*»

“*Сиз билан жаннатда бирга бўлишни*”, дедим.

“*Бундан бошқа нарса сўрамайсанми?*” дедилар.

“*Йўқ, бошқа нарса сўрамайман!*” дедим.

“*У ҳолда ўзинг учун кўп сажда қилиб, менга ёрдамчи бўл!*” дея марҳамат қилдилар» (Муслим. “Солат”, 226; Абу Довуд, “Солат”, 312).

Баҳромов. — Биз тенгилар икки марта жуда оғир синов йилларини бошдан кечирдик. Ҳали “қулоқ тўкатиш” асоратлари битмай туриб, 1933 йили қаҳатчилик, қурғоқчилик бошланди. Иккинчи томондан Сталин қатағонлари, ортидан уруш. Оғир ишлар ҳаммаси фақат аёллар зиммасида қолган; қимматчилик... Бир маҳал суюқ атала ичиб, кун

лар юз берганини кўриб, қувонишимиз табиийдир.





Шукур ҚУРБОН

*Ёриб чиққанидай...*

Ёриб чиққанидай тухумни жўжа,  
Уруғдан ўсимлик унди навқирон,  
Жонли бўлди жонсиз бир нарса.  
Жон Аллоҳдан, дейилди.  
Ишонмадилар,  
Текширдилар уруғни роса.

Ўсимликнинг дастури мавжуд —  
Уруғ ичида.  
Буни топдилар,  
Лекин жонни тополмадилар  
Уруғ ичидан.  
Жон Аллоҳдан эрур. Буни  
Тан олмадилар.



Текширдилар тупроқни кейин,  
Тупроқда жон йўқ.  
Ўзида йўқ нарсани берсин у қандоқ!  
Текширдилар сувни, ҳавони,  
Уларда ҳам йўқ.  
Ўзида йўқ нарсани берсинлар қандоқ!

Бу орада навниҳол ўсди,  
Фунчалади, гуллади. Жонсиз —  
Уруғ пайдо бўлди  
Жонли ниҳолдан,  
Ўликдан тирикни чиқарган Аллоҳ  
Тирикдан ўликни чиқарди шу чоқ.  
Барибир ҳам ишонмадилар...

# Мени соғинибсиз, излабсиз...

Шундоқ экан, ишонсин қандоқ  
Қабрдаги ўликларнинг  
Бир кун тирилишига —  
Қиёматга, Ҳашр кунига?!  
Кўкаргувчи ниҳоллар эса,  
Яратган Эгамга ҳамд-сано айтиб,  
Шукрона айтиб,  
Фунчаладилар,  
Гулладилар, уруғладилар.

*Аввалги дўстларим*

Аввалги дўстларим, мени эслабсиз,  
Мени соғинибсиз, мени излабсиз,  
Ҳам дебсиз: у бошқа ҳолатда бугун,  
Бунақа даврага чорламоқ нафсиз.

Куллуқ, Эсланмаган дўст, бу дўст эмас,  
Сиз ҳам хаёлимда ҳамиша пайваст.  
Телвагезак ўтган юксак йилларни  
Хаёлдан Мосуво этмоқ яхшимас.

Ҳар кимнинг сабоғи ҳар хилдир бироқ,  
Танлаш гали келди кутдирмай узоқ.  
Сизга у дунёнинг саодатидан  
Бу дунё роҳати туюлди хўброқ.

Кетдингиз, бирингиз қувиб амал, шаън,  
Бирингизни мол-мулк чалгитди йўлдан.  
Оқибат қабрнинг остонасида  
Тушай деб турибди ҳассамиз қўлдан.

Лек Аллоҳ раҳмли, Аллоҳ меҳрибон,  
Билар: адашмоққа бандалар мойил,  
То тирик эканмиз, тавба қилайлик,  
Ажабмас кечирса сизни ҳам буткул.

Шу орзу-ўй билан кутаман сизни,  
Шоядки бир имон жамласа бизни

Ва шояд раҳматлар айтса Аллоҳдан  
Фаришталар ўраб атрофимизни.

Бу оламда бежиз бир иш йўқ ахир,  
Мени эслашингиз — бу ҳам бир тақдир.  
Бу ҳам бир ишора улуғ бир йўлга,  
Улуғ йўлдан балки учган бир оҳдир.



### **Саратонда иссиқ ёқмайди...**

Саратонда иссиқ ёқмайди,  
Қаҳратонда бездирар совуқ,  
Иккисидан бирортасига  
Монеъ бўла оласанми? Йўқ.

Кўнглингда гоҳ гашлик, хавотир,  
Бир гап етмас, икки гап — ортиқ.  
Ўз руҳингга ўзинг ҳукмрон  
Бўлганингни эслайсанми? Йўқ.

Вужудингда, қаерингдадир  
Ногаҳонда кўзгалар оғриқ.  
Ҳокимларча уни тўхтатмоқ  
Келадими кўлингдан, хўш? Йўқ!

Ботиндаю зоҳирда маҳкум  
Ҳамда заиф бандаи нодон.  
Шундоқ экан, нечун бу кибр,  
Яратганга нечун бу исён?!



### **Гумон бандалари**

Гумон бандалари — имондан йироқ,  
Гумон бандалари — шайтонга ўртоқ.  
Зада қилган улар набийларни ҳам  
Мўъжиза кўрсатинг, дейишиб ҳар чоқ.

Мўъжизани кўрар, ишонмас зинҳор —  
Гумон бандалари ҳамон гумондор,  
Ой икки бўлинган, икки ўртада  
Кўкрагида машғум чандиқ барқарор.

Абдумалик КАМОЛ

## **Гунчаларнинг сирин билсам**

### **Тилак**

Узун тунлар қочиб уйқу,  
Сажада кўйсам бошимни,  
Дилда тиниқ ихлос, орзу —  
Тўқсайдим кўздан ёшимни...

Тонг бағрида ютиб нафас  
Юксаларкан кун виқори,  
Юзларимда кўзёш эмас,  
Эриб оқса дил ғубори.

Водийнинг хур шамолидек  
Гунчаларнинг сирин билсам.  
Миннатсиз бир чумолидек  
Мўминларга хизмат қилсам...



\* \* \*

Мўмин савоб гадосидир,  
Ҳақ йўлининг фидосидир.  
Заҳмат унинг шифосидир,  
Ҳеч кимга ғам раво кўрмас.

Охиратнинг ғамин ейди,  
Шаҳватлардан нафсин тийди.  
Барча нуқсон менда дейди,  
Бошқаларда хато кўрмас.

У сабрни чин ёр билар,  
Нафсин ҳаммадан хор билар,  
Дин хизматин шиор билар,  
Ўзга ҳеч муддао кўрмас.

*Иштихон*

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ ЧУСТИЙ

Кўплаб тарихий манбаларда қайд этилишича, замонасининг атоқли олими, Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедийнинг иқтидорли шогирди Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий асли чодаклик бўлиб, 1487 йили ўзига тўқ заминдор ва чорвадор Хожа Фатхуллоҳ оиласида дунёга келади. Убайдуллоҳ Самарқандийнинг “Маноқиб Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий” асарида келтирилган маълумотга кўра, Хожа Фатхуллоҳ Куръони карим тиловат қилиб ўтирганларида тугилажак фарзандларига Лутфуллоҳ дея исм қўйишни дилларидан ўтказади. Оналари эса ёш гўдакка бирор марта ҳам таҳоратсиз кўкрак тутмаган.



Аллоҳ таоло Мавлоно Лутфуллоҳга бениҳоя кучли қувваи ҳофиза ҳам ато этадики, етти ёшидаёқ Куръони каримни тўла ёд олади. Ўн уч ёшга қадар оталари қўлида таҳсил кўради. Ўша пайтда Чодак (ҳозирги Поп туманида) мадрасаси водийдаги салоҳиятли ўқув юртларидан эди. Мавлоно Лутфуллоҳ мадрасада йирик уламолардан тафсир, ҳадис, фикҳ илмларини ўрганди. Айни пайтда тасаввуф илмига қизиқиб, кейинчалик нақшбандия тариқатининг таниқли шайхига айланди.

Ёш Лутфуллоҳ мадрасада ана шу билимлар билан бир қаторда деҳқончилик, мироблик, зироат илмини ҳам пухта эгаллади. Бу борада у кишига Хожа Аҳрор Валийнинг сеvimли шогирдлари Мавлоно Шоҳ Хусайн устозлик қилди.

Шундан кейин Мавлоно Лутфуллоҳнинг илм талабида турли шаҳарларга сафарлари бошланади. Самарқанд илм аҳллари унинг иқтидори ва чуқур билимига тан бериб, “Мавлоно Лутфуллоҳ” деб шарафлашади. Кейин Марғилонда Шайх Хусомиддиннинг уйида яшаб, таҳсилни давом эттиради. Устоз маслаҳати билан Тошкентга келиб, Хожа Аҳрорнинг шогирдларидан Шайх Муҳаммад Қозидан дарс олади. Икковлари кўп шаҳарларни кезиб, ҳамма ерда нақшбандийлик ғояларини тарғиб қилишади. Шайх Муҳаммад Қози 1515 йилда вафот этгач, нақшбандийлик

тариқати раҳнамолиги у кишининг иқтидорли шогирди, атоқли аллома Шайх Махдуми Аъзам Косонийга ўтади.

Мавлоно Лутфуллоҳ устози Махдуми Аъзамга нафақат суюкли шогирд, балки қадрдон фарзанддек бўлиб қолади. Махдуми Аъзам садоқатли шогирдга қизини бериб куёв қилиш ниятида эди. Аммо тақдир тақозоси билан у киши Фарғонадаги Қози Махдум Чодакийнинг қизига уйланади. Бундан хижолат бўлиб, бирмунча вақт устозга рўпара

бўлишга ийманиб юради. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмайди, устоз ва шогирд аввалгидай қадрдонлашиб, муносабатлар тикланади. Кейинчалик Мавлоно Лутфуллоҳ устознинг кичик ўғли Хожа Исҳоқ Валийни шогирд қилиб олади ва унга кичик қизи Биби Ниқояни турмушга бериб, кеч бўлса-да устоз орзуини рўёбга чиқаради.

Махдуми Аъзам Мавлоно Лутфуллоҳга тафсир, фикҳ, мантиқ, табобат, мироблик илмларини ўргатибгина қолмай, муридларига “Биздан кейин сизларга Мавлоно Лутфуллоҳ етакчи бўлади”, деб қайта-қайта такрорлаган, бир неча марта ўз қўли билан “Иршоднома” битиб берган эди. Манбаларда келтирилишича, устоз ва шогирд Марказий Осиёдаги Фарғона, Косон, Марғилон, Чодак, Чуст, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Кармана, Ҳисор томонларга бирга сафар қилишган. 1542 йили Махдуми Аъзам вафот этгач, Мавлоно Лутфуллоҳ Самарқандга бориб, хожагонлар сулуқини юргиза бошлайди. Тақволи, парҳезкор, обид муршидга самарқандликлар орасида эргашувчилар кўпая боради. Самарқанддан кейин у Афғонистон, Чағониён, Ҳисор, Оҳангарон ўлкаларида ҳам истиқоматда бўлиб, кишиларга илму ирфон тарқатди. Умрининг сўнгги йилларини эса Чустда ўтказди.

Профессор Семёновнинг “Ўрта Осиёнинг XVI асрдаги нодир ёдгорлиги” асарида ёзилишича, Мавлоно Лутфуллоҳ она юрти Чодакдаги ихтилофлар туфайли дастлаб Забирконга (ҳозирги Чуст яқинидаги Звутқанд қишлоғи), сўнг Карнонга

# БЕҲИ ХОСИЯТЛАРИ



кўчиб келиб, у ерда ўн йилча туради. Ҳозирги Чуст иштироҳат боғи ўрнида хонақоҳи бўлган, минг таасуфки у советлар замонида бузиб ташланган, ҳозир эса фақат айвонигина сақланиб қолган.

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ўз маблағидан кўплаб ариқ ва коризлар қаздирган, булоқлар кўзини очган. Масжид, мадраса, мактаблар курдириб, халққа илму маърифат тарқатган. Марказий Осиёда тасаввуф тарихида ўчмас из қолдирган Мавлоно Лутфуллоҳнинг водийдаги сугориш тармоқлари тараққиётида ҳам алоҳида хизмати бор.

Мавлоно Лутфуллоҳдан кўплаб шогирдлар, тасаввуф, фикҳ, тарихга оид бир неча илмий асарлар қолган. Асарларнинг бир қисми ҳанузгача топилмаган, бизга маълумлари эса тадқиқ қилинмаган.

Манбаларда қайд этилишича, улуг аллома, нақшбандийлик тариқати раҳнамоларидан Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий 1571 йили саксон тўрт ёшда Чустда вафот этди ва шу ерда дафн қилинди.

**Муроджон ИСМОИЛОВ,  
Темурали ИКРОМОВ,**

*тадқиқотчилар*

*Манбалар:*

1. Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандий. “Тарихи Шоҳруҳий”, Қозон, 1885 йил.

2. А. Семёнов. “Ўрта Осиёнинг XVI асрдаги нодир ёдгорлиги”, Тошкент, 1941 йил.

3. “Насабномаи Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий”, кўлёзма, 1867 йил.

4. “Маноқибни Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий”, кўлёзма, 1896 йили кўчирилган (Чодак нухаси).

Беҳи меваси таркибида ўн икки фоизгача қанд, беш фоизгача органик кислоталар, эфир мойлари, пектин ва ошловчи моддалар, темир, мис, калций тузлари бор. Беҳи уруғи таркибида йигирма фоизгача шиллиқ модда, гликозид, саккиз фоиздан зиёдроқ мой, бўёқ моддалари мавжуд.

Абу Али ибн Сино беҳи мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатмани ичкетарни, йўғон ичак яллиғланишини даволашда, шунингдек, иштаҳа очувчи, сийдик ҳайдовчи омил сифатида қўллаган. Беҳи шираси билан дамқисма, қон туфлаш ва мия оғриғини даволашда ишлатган. Беҳи уруғини ўпка ва нафас йўллари, қовуқ касалликларига малҳам қилган.

Аллома Муҳаммад Ҳусайн “Даволар хазинаси” китобида беҳининг шифобахшлиги тўғрисида бундай ёзади: “Беҳини ейиш васвасани қувади, бош оғриғини тузатади, меъда ва жигарга қувват бағишлайди, иштаҳа очади, ҳомила тушишидан асрайди, оғиз ҳидини йўқотади, юрак ва мия қизиши ҳамда мастликни бартараф қилади, кўнгил айниши, қусиш ва бўшашишни йўқ қилади, ҳафақон ва сариққа қарши ҳам фойдалидир”.

**Фойдали**

**маслаҳатлар:**

1. Беҳи уруғи билан узум шарбатининг қайнатмасини ичиш камқонликда, бавосирда фойда беради.

2. Бир чой қошиқ беҳи уруғи олиниб, устига 200 гр. қайнаб турган сув қуйиб икки соат дам-

ланади ва қабзиятни даволаш учун овқатдан олдин 50 гр. истеъмол қилинади.

3. Бир-икки ош қошиқ беҳи барги ва ёш новданинг янчилган кукунидан олиб, 300 гр. сув қуйилиб, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади, совиғач сузиб олинади. Қандли диабетда ва қон босими ошганида кунига уч маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади.

4. Беҳи мевасининг ичи ўйилиб, уруғи ўрнига асал ёки думба ёғи қуйилиб, буғда димлаб пиширилса, шамоллаш ва йўталда шифодир.

5. Беҳи мевасини ҳидлаш киши кайфиятини яхшилаб, тананинг табиий кучини мустаҳкамлайди.

6. Соч тўкилганида 50 гр. янги узилган беҳи барги устига бир литр сув қуйилиб, ўн дақиқа паст оловда қайнатилади, бир соат тиндирилгач, тоза қилиб ювилган сочлар бу дамлама билан чайилади.

**Эслатмалар:**

1. Беҳини кўп истеъмол қилиш ични қотиради. Айниқса, эмизикли аёллар болани эмизганида беҳидаги ошловчи моддалар сут орқали чақалоққа ўтиб, тез ичини қотиради.

2. Беҳи мевасининг устидаги тивитининг ҳалқум ва овоз пардаларига зарари бор. Агар уни жароҳатга сепилса, қон кетиши тўхтайд.

3. Ширин ва нордон беҳилар шарбатини бир кунда бир марта, етмиш граммдан ортиқ истеъмол қилманг.

**Сафар  
МУҲАММАД**



# КИЧКИНА УМАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

## Тўққизинчи ҳикоя

Шом вақти ифторлик дастурхонига ўтирганимизда кўчадан маҳалламиз болаларининг Рамазон ойи келганини қутлаб айтаётган шеърлари эшитилди. Синглим Зайнаб идишдаги поппуқандлардан уларга олиб чиқиб берди. Дадам хурсанд бўлганларини билдириб:

— Баракалла, қизим, бу ишинг яхши. Арзимасдек кўринган эҳсонимиз ва яхшиликларимиз ҳам охиратимиз учун озуқа бўлади. Бу хусуснинг қанчалар муҳим эканини англашларинг учун сизларга суюкли Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) билан боғлиқ бир ҳикояни айтиб берақолай.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Ясрибга келиб шаҳар аҳлига Ислом динини энди танита бошлаган пайтлари ҳеч ким билан чиқишолмайдиган, ҳамма билан жиққамушт бўладиган бир аёл бор эди. Аёлни қўпол ва дилга озор берадиган феълидан қўни-қўшнилари ҳам безор эди. Шу сабабли ҳамма ундан ўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди.

Бир куни ўша аёл бозор айланиб, одамлардан бирон нарса беришларини сўрабди. Ёмон феъли туфайли отнинг қашқасидай таниш бўлиб қолгани учун унга ҳеч ким ҳеч нарса бермабди. Ҳалиги аёл эса оғзига келган гаплар билан одамларни ҳақорат қилибди. Ниҳоят, очликдан силласи қуриб, бозорни тарк этибди ва боши оққан томонга кетаверибди.

Оёқлари уни беихтиёр суюкли Пайғамбаримизнинг уйлари томон бошлабди. Жуда ҳолдан тойган бир ҳолатда эшикни қоқибди. Эшикни ҳазрати Ойиша онамиз очибдилар ва аёлдан нима эҳтиёжи борлигини сўрабдилар. Аёл кечадан бери ҳеч нарса емаганини айтибди.

Ойиша онамиз бу аёлни аҳволдан қаттиқ таъсирланибдилар. Уйга кириб, озгина хурмо олиб чиқибдилар. Афсусланганнамо бундан бошқа егулик нарса йўқлигини билдирибдилар. Аёл хурмоларни олиб, изига қайтибди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) уйга келганларида ҳазрати Ойиша ҳалиги аёл ҳақида гапириб берибдилар. Расулulloҳ Ойиша онамизнинг гапларини охиригача эшитибдилар, лекин ҳеч нарса демабдилар.

Бир оз вақт ўтгач, ваҳий фариштаси Жаброил (алайҳиссалом) Пайғамбаримизга Аллоҳ таоло ҳалиги аёлни барча гуноҳларини кечириб юборгани ҳақида хабар келтирибди ва афв этилиш сабабларини ҳам билдирибди. Севикли Пайғамбаримиз Ойиша онамизни ҳам бу хабардан воқиф қилибдилар.

Воқеа аслида бундай бўлган экан: ҳалиги аёл ҳазрати Ойиша онамиздан хурмоларни олгач, уйига йўл олибди. Яқин қолганида орқасидан бир кишининг заиф овози эшитилибди. Қараса, қариликдан беллари букилган, жуда фақир бир ким-

са ундан ейиш учун нарса сўраётган экан.

Қариянинг аянчли аҳволига бефарқ қарай олмаган аёл орқасига қайтиб хурмоларнинг ярмини унга берибди, қолганини ўзи ебди. Фақир киши ёрдамсевар аёлни ич-ичидан дуо қилибди ва бу дуонинг шарофати билан Аллоҳ таоло у аёлни гуноҳларини кечирибди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидга чиқиб, жамоатга юзланибдилар ва бундай дебдилар:

— Эй инсонлар! Бир хурмонинг ярмичалик бўлса ҳам яхшилик қилиб, ўзингизни жаҳаннам ўтидан сақланглар.

Кейин аёл воқеасини гапириб берибдилар. Бу гап ҳалиги аёлни қулоғига етиб борганида шу даража хурсанд бўлибдики, кўзларида ёш билан аввалги хатою камчиликларини кечиришини сўраб, Аллоҳга тавба қилибди.

Дадам ҳикояни тугатгач:

— Болаларим, ҳеч қачон эсингиздан чиқмасин, бундай юксак мартабага фақатгина Аллоҳга самимий қулик қилиш билан эришиш мумкин. Аллоҳ таоло Куръони каримда ҳам бизларга: **“Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар ва (ҳар бир) жон эрта (Қиёмат куни) учун нимани (яъни, қандай эзгу амални) тақдим этаётганига қарасин!”** деб хитоб қилган, — дедилар.

Боядан бери дадамнинг гапларини индамай эшитиб ўтир-

ган онам суҳбатта қўшилдилар:

— Бизга арзимас кўринган ишлар ҳам охирагимиз учун энг зарур бўлиб чиқиши мумкин. Масалан, бировга айтган бир оғиз ширин сўзимиз, оғир юк кўтариб кетаётган инсонга берган ёрдамимиз шулар жумласидан. Энг асосийси, хайрли ишларга биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатиш ва давомли қилишдир. Пайғамбаримизнинг бир саҳобалари саодат даврига оид хотираларидан бирида бундай ҳикоя қилган эди:

“Биз Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) билан бирга бир жойда ўтирган эдик. Пешин намозига ҳали вақт бор эди. Шунда шаҳарга бир гуруҳ кишилар кириб келишди. Уларнинг афт-ангоридан жуда узоқдан келганларини билиш қийин эмасди. Ночор ҳолда бўлганлари сабабли кийимлари ҳам устларини тузукроқ ёпмаган эди. Расулulloҳ уларнинг ҳолатини кўриб жуда ачиндилар. Ғамгин бир ҳолатда уйга кетдилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, қайтиб келдилар. Муборак юзларидан юраклари қаттиқ сиқилганини билиш мумкин эди. Азон чақиришни буюрдилар. Азон чақирилди, сўнг намоз ўқилди. Намоздан кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жамоатга юзландилар:

— Ҳар ким бирор нарса беришга ҳаракат қилсин; пули бор пулидан берсин, ортиқча кийим-кечаги бор ундан биттасини берсин. Буғдойи бор буғдойдан, арпаси бор арпадан берсин. Лекин мутлақо нимадир беринг. Ҳатто бир дона хурмоси бор киши ўшанинг ярмини шу фақирларга берсин, — дедилар.

Мадиналик бир киши Расулulloҳнинг чақириқларига жавобан иккита оғир халтани олиб келиб, ҳазрати Пайғамбаримизнинг оёқлари остига се-

кингина қўйди. Буни кўрган бошқалар ҳам ўзларида бор нарсалардан ҳалиги кишининг халталари ёнига олиб келиб қўйишди.

Расулulloҳнинг юзлари табассумдан ёришди. Биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатган кишини ва бошқаларни назарда тутиб марҳамат қилдилар:

— Ким фойдали ва хайрли бир одатни бошласа, ҳам ўша ишининг савобини олади, ҳам ундан кейин бу ишни давом эттирганларнинг савобидан насибадор бўлади. Ҳеч кимнинг оладиган савоби камаймайди”.

Онам ҳикояларини тугатар-тугатмас Зайнаб ҳайратини яширолмай:

— Вой-бў, демак, биз бошлаган ишни давом эттирганларнинг савобидан ҳам ҳисса оларканмиз-да?! — деди.

— Ҳа, қизалоғим, Аллоҳ талонинг марҳамати жуда кенг. Айниқса, мана шундай Рамазон ойларида бир савобимизга ўн савоб берилади. Шунинг учун бундай фурсатлардан муносиб шаклда фойдаланиб қолишимиз керак, — дея жавоб бердилар дадам.

Эртаси куни мактабдан эртароқ келиб, хонамда дарс тайёрлаб ўтирган эдим. Бир пайт қия очиқ турган эшикдан ойимнинг овозлари эшитилди:

— Ҳа, Зайнаб, бугун жуда

хурсанд кўринасан. Тинчликми, нима бўлди?

Мактабдан эндигина келган Зайнаб ойимга салом бериб, мактабда бўлган бир воқеани гапириб берди.

— Боя катта танаффусда синфдошим Лайлонинг йиғлаб ўтирганини кўриб қолдим. Менга кўзи тушгани заҳоти кўзёшларини яширишга ҳаракат қилди. Лайло жуда ёқимтой ва ақлли қиз. Оиласи бир оз қийналган, лекин дадаси Лайлонинг ҳеч қандай камчиликсиз ўқиши учун қўлидан келган ёрдамини аямайди.

Дарс тугаб, уйга қайтаётганимизда Лайло китобини йўқотиб қўйганини айтиб қолди. Танаффусда шунинг учун йиғлаб ўтирган экан. Кўпдан бери майда-чуйда эҳтиёжларим учун берган пулингиздан тежаб, анчагина пул йиғиб қўйган эдим. Шу пулларни унга бердим. Аввалига қизариб кетди, олмайман, деб қаршилиқ кўрсатди. Дадамдан ва сиздан эшитганим кечаги ҳикояларни айтиб берганимдан сўнг ҳеч нарса демасди. Энди бундан кейин Лайлога ёрдам бериб тураман. Лекин, ойижон, сиздан илтимос, бу ишимни ҳеч ким билмасин. Чунки ўзингиз яширин қилинган яхшилиқнинг савоби янада кўпроқ бўлишини айтган эдингиз.

— Албатта, қизим. Бу айтган гапларинг менга омонат. Мен ҳам сенинг савобларингга шерик бўлмоқчиман. Шунинг учун бундан кейин кўпроқ пул бериб тураман.

Зайнаб хурсанд бўлиб мен ўтирган хонага кириб келганида ойим билан иккаласи ўрталаридаги суҳбатдан беҳабардек ўтирдим. Чунки Зайнаб бошлаган хайрли ишини ҳеч кимга билдирмасликка қарор қилган эди.

**Маҳмуд МАҲКАМ**  
тайёрлади



# МАЛАЙЗИЯНИ КЎРМАБСИЗ...

Малайзия жанубий-шарқий Осиёнинг қоқ ўртасида, жуғрофий жиҳатдан қулай иқлимда жойлашган. Бу ўлка жуда кўп ажойиботлари билан ном чиқарган. Малайзия дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан саналади, у минтақада Сингапурдан кейин иккинчи ўринда туради.

Малайзия аҳолининг таркиби жиҳатидан ҳам, тили ва этнокодидан ҳам хиллилиги жиҳатидан ҳам ғаройиб юрт. Йигирма икки миллионли аҳолининг 59 фоизи малайлар, 32 фоизи — хитойлар, 9 фоизи ҳиндлардир. Ислом — расмий давлат дини бўлишига қарамай, жами аҳолининг 53 фоизи сунний мусулмон, 35 фоизи буддий, ҳиндикий, даочий, 12 фоизи эса насронийдир.

Бу ўлканинг довругини дунёга ёйган нарса булар ҳам эмас. Дунёдаги энг баланд бино — Петронас Тауэрс (эгизак миноралар) ҳам Малайзияда жойлашган. Баландлиги жиҳатидан жаҳондаги учинчи телеминара ҳам шу ерда. Осиё қитъасидаги энг улкан масжид ҳам Малайзияда. Энг кўп ва ранг-баранг денгиз жониворлари тўпланган ғоятда катта аквариум ҳам шу ўлкада. Ҳашаматли меҳмонхоналар, товар кўплигидан қадам босгани жой қолмаган дўконларни айтмай қўяверинг. Энг арзон нархдаги электрон бу-

юмларни ва қўл телефонларни, кийим ва пойабзални, соат ва чарм маҳсулотларни фақат шу ердаги дўконларда харид қилиш мумкин. Деҳқон бозорлари ва тунги бозорларда папайя, рамбутан, гуава, кокос ёнғоғи, ананас, манго, тарвуз, мангустин, банан, памело, жайбу, юлдузмева каби ранг-баранг мева — полиз маҳсулотлари кўплигидан кўз қамашади. Бу ўлкага келган сайёҳларни шунингдек, турли совға ва рўзғор буюмлари, қўлда гул солинган ипак ва ипгазмалар, хушбичим кўйлақлар ҳам қизиқтириши шубҳасиз. Ошхоналарнинг барчаси ҳалол, шариат талабларига мувофиқ таом тайёрлайди.

Малайзия жами 1007 орол ва оролчалардан иборат. Унинг таркибига ўн учта штат, икки федерал ўлка киради. Барча штатлар денгизга туташган. Тўққиз штатни султонлар бошқаради, уларнинг ҳар бири навбати билан беш йилга Малайзия подшоҳи бўлади.

Бу мамлакатта сафар қилмоқчи бўлсангиз, айрим қоидаларни билиб қўйишингиз фойдадан холи эмас. Унга бориш учун виза шарт эмас, фақат яроқлилиги олти ойдан кам бўлмаган хорижий паспорт кифоя. Чунки МДХ мамлакатлари фуқароларига ўттиз кунлик сафар учун виза талаб қилинмайди. Мамлакатта хоҳлаган миқдорда хорижий валюта олиб кириш мумкин. Фақат наркотик моддалар, курол-яроғ, фаҳшни тарғиб қилувчи маҳсулотлар, Исроил моллари ва пул-тангалари, Куръон оятлари туширилган кийим-бош, радиоприёмник, юз граммдан ортиқ ол-



тин, осори-атиқа (антиквариат), ёввойи қуш ва ҳайвонлар, гивей ўсимлиги ва уругини олиб кириш тақиқланади. Шунингдек, айрим моллар, масалан гилам, кийим-кечак, қимматбаҳо тақинчоқлар, шоколад маҳсулотлари, аёллар сумкачаси кабиларни олиб кирмоқчи бўлганлар “вақтинчалик импорт” учун маълум миқдорда бож пули тўлашади, аммо улар қайтаётганида товар ва тўланган пул чиптасини кўрсатса, ўша пули қайтариб берилади.

Барча шаҳарларга шинам автобуслар қатнайди, йўлқира унча қиммат эмас. Ёшингиз 23-60 орасида ва халқаро ҳайдовчилик гувоҳномангиз бўлса, ижарага автомобил олиб сайр қилишингиз мумкин. Такси хизмати ҳам кенг йўлга қўйилган, ҳайдовчилар хушмуомала. Чунки туризм вазирининг сўзларига қараганда, йўловчиларга қўполлик қилган ҳайдовчи қаттиқ жазоланади, ҳатто қамоққа ташланади, у ишлаётган компанияга йирик миқдорда жарима солинади.

Малайзия ниҳоятда осойишта ва барқарор ўлка. Унда хилма хил миллат ва диндаги халқлар аҳил, тотув яшашмоқда. Ҳар бир сайёҳ бунини ўз кўзи билан кўриши мумкин.

**Аҳмад ТУРСУН**  
тайёрлади.

